Тошкент ҳақиқати

№ 58 (10:484).

1993 йил
20 май
пайшанба

Нархи 8 сўм.

1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН НАШР ЭТИЛМОҚДА.

Вилоят ижтимоий–сиёсий газетаси

СЕШАНБА, ПАЙШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

Ишонч ёрлиғи топширилди

18 май куни Чехия Республикасининг Узбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Рудольф Сланский мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

Элчи ўзининг янги вазифасини Ўзбекистон раҳбари ва мамлакат халқига Чехия Президенти саломини ҳамда эзгу тилакларини етказиш билан бошлаётганидан мамнуният изҳор этди. У мустақилликка эришган Ўзбекистон билан Чехия Республикаси ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш учун куч-ғайрат сарф этишини маълум қилди.

Ислом Каримов Рудольф Сланскийни бундай маъсулиятли вазифани бажаришга киришаётгани билан қутлар экан, унинг саъй-ҳаракатлари мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий, маданий, илмий-техник ҳамкорликни янги босқичга кўтаришга кўмаклашади, деб умид билдирди.

Ишонч ёрлиғини топшириш маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири С. Сафоев иштирок этди.

(ЎзА).

СУРАТДА: Ишонч ёрлиғи топширилаётган пайт.

Р. ШАГАЕВ олган сурат. (ЎзА).

Қишлоқ хўжалиги ишлари кундалиги

ИРОДА КУЧИ

ТАБИАТНИНГ ўжарлиги бу йил деҳқонларни анча ташвишга солиб қўйди. Лекин улар бўш келмаяптилар. Иродаларини, тажрибаларини ишга солмоқдалар. Вунн Янгийўл районндаги Ҳамроқул Турсунқулов номли, «Озод», Назарали Ниёзов номли, Абдулла Ортиқов номли жамоа хўжаликлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Гап шундаки, мазкур хўжаликларда ҳам чигит экиш анча уюшқоқлик билан ўтказилган ва каттагина майдонларда ернинг табиий намига ундириб олинган эди. Бироқ, май ойининг бошларида бўлиб ўтган жала, сел экин майдонларига жиддий зарар етказди. Деҳқонлар, тажрибакорлар картама-карта айландилар. Эсиз, баъзи жойларда икки қулоқ барг чиқарган ғўзалар лой-балчиққа қоришиб кетган эди. Нима қилиш керак?

Иложи борича унинб чиққан ғўзаларни бир амаллаб сақлаб қолиш, иложи бўлмаган жойлардагина бузиб ҳамда хатосига экиш керак! Бу фикр кўпчиликка маъқул бўлди. Ҳамма сафарбар этилди. Техникалар ишга солинди. Зудлик билан қатқалоқни юмшатишга киришилди.

— Бизда ҳаммаси бўлиб 987 гектар пахта майдонимиз бор, — дейди раис В. Муротов. — Деҳқонларимизнинг иродасига, уюшқоқликларига, қатъиятликларига ҳар қанча офарин-лар айтсак арзийди. Ор-номусимиз, тиришқчилигимиз пахта бўлгач, уч-тўрт кунлик оромдан кечиб бўлса ҳам гектарларни бутлаб оламиз, бунинг учун куч-ғайратимизни аямаймиз, деб айтишди. Айтган сўзларининг уддасидан чиқдилар. Энди бундан буёғига ишқилиб ҳаво жўнашиб, кунлар нсиб берса бўлгани. Парваришга зўр берамиз. Мўлжалдаги ҳосилни етиштириш учун ҳамма имкониятларни ишга соламиз.

Районнинг бошқа хўжаликларида ҳам пахтакорлар қийинчиликларни енгиб, гектарларда мўлжалдаги кўчатни сақлаб, мўл ҳосил етиштириш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Н. ИСАЕВ.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

«ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЧОРВАДОР» ФАХРИЙ УНВОНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор» фахрий унвони таъсис этилсин.

2. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор» фахрий унвони тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.

3. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор» фахрий унвони таъсис этилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотлари тўғрисидаги Низом»га (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1983 йил, № 16, 246-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

10-модданинг «б» банди «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

12-модда «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор» бўлимидан кейин қуйидаги мазмундаги қисм билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор» фахрий унвони республика чорвачилиги, паррандачилиги ва асаларичилигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган давлат, жамоа, фермер, ижарачи ва шахсий хўжаликларнинг, шунингдек ўқув юртлари, илмий-тадқиқот, зооветеринария муассасаларининг ва лойиҳа ташкилотларининг юқори малакали ходимларига берилади».

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 7 май.

1993 йил 7 май куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан тасдиқланган

«ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЧОРВАДОР» ФАХРИЙ УНВОНИ ТЎҒРИСИДА

НИЗОМ

1. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор» фахрий унвони республика чорвачилиги, паррандачилиги ва асаларичилигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган давлат, жамоа, фермер, ижарачи ва шахсий хўжаликларнинг, шунингдек ўқув юртлари, илмий-тадқиқот, зооветеринария муассасаларининг ва лойиҳа ташкилотларининг юқори малакали ходимларига берилади.

2. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор» фахрий унвони Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг тақдимномасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан берилади.

3. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор» фахрий унвонига сазовор бўлган кишиларга белгиланган намунадаги гувоҳнома ва кўкракка тақиладиган нишон топширилади.

4. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор» фахрий унвони республика чорвачилиги, паррандачилиги ва асаларичилигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган шахс ишлаб турган жамоа маъмурияти ҳамда касаба уюшмалари ташкилоти томонидан юқори турувчи орган ёки ташкилот олдига қўйилади.

Илтимослар, шунингдек, шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан ҳам қўйилиши мумкин.

5. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор» нишони кўкракнинг ўнг томонига тақилади.

6. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор» гувоҳномаси ва кўкрак нишони Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан тантанали ва кенг оммавий равишда топширилади.

7. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор» фахрий унвонидан фақат Ўзбекистон Республикаси Президенти маҳрум этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Қарори

«ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЧОРВАДОР» ФАХРИЙ УНВОНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор» фахрий унвони таъсис этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1993 йил 1 августдан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсати кўкракка тақиладиган «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор» нишонининг тасвири ва тавсифи икки ойлик муддат ичида ишлаб чиқилишини таъминласин ва тасдиқласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: кўкракка тақиладиган «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор» нишони тайёрланишини таъминласин; чорвачилик ходимларининг ишлаб чиқаришининг ўта машаққатли тармоқларида машғул бўлган айрим тоифаларн учун имтиёзлар белгилаш тўғрисидаги масалани қараб чиқсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси
Ш. ИУЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 7 май.

ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

ЧЕХИЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ

Рудольф СЛАНСКИЙ

Сланский Рудольф 1935 йил 6 февралда Прага шаҳрида туғилган.

Меҳнат фаолиятини заводда қолипловчиликдан бошлади. Ишлаб турибоқ гимназияни ва Чехия олий техника билимгоҳи машинасозлик факультетини «Иқтисод ва меҳнатни ташкил этиш» ихтисослиги бўйича битириб чиқди. Прагадаги ЧКД заводида турли хўжалик лавозимларида ишлади.

1969 йили «Прага баҳори» ислоҳотларида иштирок этгани учун Чехословакия коммунистик партияси аъзолигидан ўчирилди. Шу вақтдан бошлаб турли техник лаъзимларда ишлади, мақоланавислик билан шуғулланди. 1977 йилда «Хартия 77»га имзо чекди.

Чехословакиянинг ташқи, ички ва иқтисодий сиёсати масалалари бўйича бир қатор асарлар муаллифи.

1990 йилнинг 23 февралидан 1992 йилнинг 31 декабригача ЧСФРнинг СССРдаги, кейинчалик эса Россия Федерациясидаги фавқулодда ва мухтор элчиси. 1993 йилнинг 1 январидан Чехия Республикасининг Россия Федерациясидаги фавқулодда ва мухтор элчиси.

Оилали, икки фарзанди бор, рус ва инглиз тилларида сўзлаша олади.

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги.

«ЕР ЮЗИДА ТИНЧЛИК ТАНТАНА ҚИЛСИН»

Мана шу сўзлар Тошкентнинг марказий кўчаларидан бирида пайдо бўлган ёдгорлик тошига бир неча тилларда ўйиб битилган. Халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмаси «Бутун дунёда тинчлик учун» халқаро ҳаракатининг Ўзбекистон пойтахтига атайлаб келган вакиллари билан биргаликда шу ёдгорлик тошини ўрнатишга бағишланган маросимни тайёрлади.

Халқаро тинчлик ҳаракатида турли мамлакатлардан миллионлаб оддий кишилар иштирок этмоқдалар, улар тинч-тотув яшашни, яхши қўшничилик, эзгулик ва адолат тантанаси йўлида кучғайратларни бирлаштиришни ташвиқот қилмоқдалар.

Ҳозирги пайтда турли қитъалардаги катта шаҳарларда 60 мингдан ортиқ ёдгорлик ўрнатилган. Тошкентда ўрнатилган «Тинчлик лавҳаси» Ўзбекистондаги биринчи лавҳадир. Лекин яна бошқа ёдгорликлар ўрнатилади, чунки республика халқининг Ўзбекистоннинг ўзидагина эмас, бутун ер куррасида тинчликни сақлаб қолишга интилиши жуда кучлидир.

(ЎзА мухбири).

ИЖАРАЧИ ДАЛАСИДА

БУ ИИЛ ёғингарчиликнинг сероб бўлиши ўтўланларнинг, шу жумладан, арпа ва буғдойнинг гуркираб ўсишига имкон берди. Деҳқонлар бошоқли дон экинларидан юқори ҳосил олиш учун зарур тадбирларни амалга оширмоқдалар. Оҳангарон районидаги Собир Раҳимов номли жамоа хўжалигининг 4-бўлими ижарачиси Эрмат Жўраев даласида бўлганимизда бунинг гувоҳи бўлдик. Бу ижарачининг 35 гектар арпазорида бошоқлар дон олиб, кун сайин тўлишмоқда. Ҳар гектаридан кам деганда 30 центнер ҳосил оламиз, дейди ижарачи. Ана шу мақсадда белгиланган агротехник тадбирлар амалга оширилди. Гектарига нормада мўлжалланган ўғит солинди.

— Дала ишларини бажаришда, — дейди Эрмат ака, менга ўғлим Баҳодир ёрдам беряпти. У сувчилик касбини эгаллаган. Оиламизнинг бошқа аъзолари ҳам бўш вақтларида қараб туришмайди.

Ижарачининг даласида бундан ташқари 25 гектар янги беда, 5 гектар хашаки лавлаги, бир гектар қанд лавлагидан ҳам мўл ҳосил олиш учун замин яратилмоқда.

Т. ШЕРАЛИЕВ.

• Пиллачилик

ДАСТАЛАР ТАЙЁРМИ?

БУ ИИЛ вилоятимиз пилла-корлари 1582 тонна қиммат-баҳо хом ашё етиштириш учун ахд қилганлар. Ана шу мақсадда пиллачилик звеноларига 32 минг 193 қути қурт уруғи жонлантирилиб, тарқатилди. Оҳангарон, Бўстонлиқ, Паркент сингари тоғ районларидан ташқари ҳамма районларда айни кунларда қурт-лар тўрт-бешинчи ёшда парвариш қилинмоқда.

Пилла хом ашёсига эркин нарх белгиланганлиги, бундай олиб қараганда, пилла-корларнинг қизиқишини, манфаатдорлигини оширган-дек туюлади. Лекин, тажри-бакорлар, мутахассислар-нинг таъкидлашича ва ҳи-соб-китоблар хом ашёнинг таннархи анча қимматга тушишини кўрсатмоқда. Шу туфайли ҳам асосий диққат-эътиборни сифатли, яхши ва йигириш пайтида узил-майдиган тола берадиган пилла етиштиришга қаратиш керак бўлади. Ана шунда етиштирилган хом ашё анча қиммат нархда харид қилиниши мумкин.

Текширишлар шуни кўрсатмоқдаки, Оққўрғон, Бекобод, Тошкент, Зангиота ва Қибрай районларида пилла қурти боқиш анча уюшқоқлик билан ташкил этилган. Мазкур районларда ҳар қути қурт уруғидан режадаги ҳосилни олиш учун зарур тадбирлар амалга оширилмоқда.

Лекин, муаммолар ҳам анчагина. Аввало, шуни айтиш керакки, баҳор пайтида бўлиб ўтган бемаврид совуқ пиллачиликнинг озуқа базасига бирмунча зиён етказди. Тутларнинг ривожи анча кечикди. Лекин, шунга қарамай айрим жойларда баргни қирқиб олиш ва уни ташиш жараёнида ирсофгарчиликка йўл қўйилмоқда. Тутзорларга яхши қаралмаяпти.

Пиллачиликда етарли даста билан таъминлаш ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Кўпгина районларда бу тадбирга катта эътибор берилаётир. Лекин, умуман олганда бу соҳадаги ишни қониқарли деб бўлмайди. Айниқса, Оҳангарон, Паркент районларида даста тайёрлашнинг ғоят сустлиги кишини ажаблантиради. Ваҳоланки, етарли ва сифатли даста бўлмаса, қилинган меҳнат зое кетади. Пилла қуртлари ҳосили сифатли бўлмайди.

Вақт ўтиб бормоқда. Режадаги пилла ҳосилини етиштириш ва давлатга топшириш пиллакорларимизнинг шарафли бурчидир. Бу вазифани ўз вақтида бажариш учун айни кунларда ҳамма имкониятларни ишга солиш керак.

Н. ИСАЕВ.

Ташкент ҲАҚИҚАТИ ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

НАФАҚА МИҚДОРИ АНИҚЛАНДИ

БЎСТОНЛИҚ район, Ғазалкент шаҳридан Майна Ҳасанова номли кўчанинг 28-хонадонида истиқомат қилувчи Эргаш Иўлдошев бизга мактуб орқали мурожаат қилиб меҳнат нафақаси ўз вақтида етказиб берилмаётгани ва бу борада ёрдам беришимизни сўраб мурожаат қилган эди. Биз унинг шикоятини кўриб чиқиш учун Тошкент вилоят ижтимоий таъминот бошқармасига йўллагандик. Мазкур шикоят юзасидан бошқарма бошлиғининг муовини В. Арутюнян имзоси билан жавоб олдик. Унда баён қилинишича, бу иш атрофлича кўриб чиқилган. 1992 йилнинг 1 сентябридан тузатиш коэффициенти қўллаб ҳисоб-китоб қилинган 2 минг 263 сўмлик ўртача иш ҳақидан шикоятчининг нафақа миқдори 3 минг 424 сўм 42 тийинга оширилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.10.92 ва 28.12.92 даги фармонларига биноан унинг пенсия миқдори 01.10.92 йилдан 3781 сўмни, 01.01.93 йилдан 4726 сўмни, 01.04.93 йилдан бошлаб эса 6144 сўмни ташкил этган.

ДИРЕКТОРЛАР ЙИҒИЛИШИ

«Ўртаосиёэлектроаппарат» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида электротехника саноати корхоналари ҳамда улар билан боғлиқ корхоналар раҳбарларининг учрашуви бўлди. Унда Озарбайжон, Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Россия, Тожикистон ва Словакия тармоқ корхоналари директорлари қатнашдилар.

Тошкентда биринчи шундай учрашув 1989 йилда бўлган эди. Анъанавий хўжалик алоқалари бузилишидан ташвишланиш шундай учрашув ўтказишга сабаб бўлганди. «Ўртаосиёэлектроаппарат» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори А. Олимбоевнинг маълум қилишича, ўшандан буён маслаҳатлашиб туриш анъанага айланди ва ҳар йили учрашув бўлиб ўтмоқда. Директорларнинг мазкур кенгашида маҳсулот етказиб бериш, ўзаро тўловлар муаммолари муҳокама қилинди, учрашув қатнашчиларини қизиқтираётган ишлаб чиқариш ва молия масалалари юзасидан битимларга эришилди.

(ЎзА мухбири).

СОҒЛОМ ЁШЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

БОЛАЛАР учун парҳез таомлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш йўлида кўрилаётган тадбирлар яхши самаралар бермоқда. «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилишидан сўнг бу каби саъй-ҳаракатлар янада кенг қулоч ёза бошлади.

Тошкент вилоятининг Ғазалкент консерва заводида янги йўлга қўйилган технология ҳам болалар учун парҳез таомлар тайёрлашга хизмат қилади. Бу техникавий жараённи амалга ошириш мақсадида бир неча линия харид қилинди.

Бу хайрли ишларга бошқош бўлаётган Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси Ғазалкент консерва заводи билан шартномалар тузди. Парҳез таомлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ бу технология линияси учун катта миқдорда маблағ ажратилди.

Қўмита қанд касалига чалинган болаларга ёрдам кўрсатиш жамияти тузишнинг ташаббускори бўлди. Қишлоқ шароитида бу хил хасталикни даволаш юзасидан муҳим тиббий дастур тайёрланди. Ўлка тиббиёт шифохонаси қанд касаллиги марказидаги болалар бўлимн фаолияти ҳам кенгайиб кетди.

Мазкур бўлим тавсиялари қишлоқ шифохоналарида муҳим муолажавий йўриқнома бўлиб хизмат қилмоқда.

А. АЛИЕВ.

● *Олим мулоҳазалари*

ЮРТИМИЗ ТАРИХИ — БУЮК МУРАББИЙ

Маълумки, тарих — бу халқимиз хотирасидир. Тарих муқаддас дафтар, инсон ҳаёти ва фаолиятининг кўзгуси, аждодларнинг кейинги авлодларга қолдирган ноёб мероси.

Тарих — бу ўтмишимиз. Уни ўзгартириб бўлмайди, сохталаштириш эса келажак авлод олдида катта гуноҳ. Аммо минг афсуски, одамлар уни бузиб кўрсатиши ёки айрим саҳифаларини атайин ёки беихтиёр унутиши мумкин.

Она юрт тарихини қандай бўлса шундайлигича тўлиқ ва холис ўрганиш, аччиқми-чучукми ҳақиқатни билиш, ундан тўғри хулосалар чиқариш ҳар бир фуқаронинг виждон бурчидир.

Тарихни холис ёритмоқ учун ҳалоллик ва ростгўйлик билан ўтмиш ҳужжатларини, турли манбаларни, тарихий ва маданий обидаларни, воқеалар шоҳиди бўлганларнинг хотираларини атрофлича, чуқурроқ ўрганиб уларни таққослаш, таҳлил қилиш зарур. Йирик олимлар шу асосда юртимиз тарихини тикламоқдалар.

Тарих фақат ўтган ҳодиса ва воқеалар мажмуаси эмас, албатта. Булар асосида қандайдир қонуният ётади. У воқеаларнинг сабаби, ўзагини ҳам ёритади. Демак, тарих одамларни ўйлантиради, таҳлил қилишга, фикр юргизишга ундайди, у ёки бу ҳодисалар нима учун, қандай сабабларга кўра рўй берганлигини билишга, юз берган воқеалардан оқилона сабоқ олишга чорлайди.

Ўзлигимизни чуқурроқ англашда, шажарамиз қайданлигини билишда, ота-боболаримиз донолигини тушунишда, уларнинг бой ҳаётий тажрибасидан кенгроқ фойдаланишда, умуман халқимиз анъаналарини изчил ўрганишда ва ниҳоят, одамларнинг баркамол бўлишида тарихнинг ўрни бениҳоя каттадир.

Шукрларким, кейинги 2—3 йил ичида Ўзбекистон тарихини ўрганишга эътибор анча кучайди. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, мактабларда юртимиз тарихи кенг ва чуқур ўрганилишига имконият туғилди. Эндиликда ёшларимизда ҳақиқий тарихий онгни шакллантириш имконини берадиган шароитлар яратилди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобида «Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади», деб жуда тўғри айтган эди.

Кўпчилик йигит-қизларимиз эндиликда афсонавий Тўмарис, Широқ, Спитамен ҳақида, Тамирида, Муқанна, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Маҳмуд Торобий каби фидойилар тўғрисида тўлароқ маълумот олмоқдалар.

Дунёга машҳур алломалар Ал-Беруний, Абу Али ибн Сино, Ал-Хоразмий, Ал-Фаробий, Ат-Термизий, Мирзо Улуғбекларга юртдош бўлганимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Умар Ҳайём, Фирдавсий, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбандий, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Рудакий, Беҳзод, Хўжа Аҳрор, Хондамир каби маънавият-маърифат бобидаги табаррук сиймолар халқимиз ғуруридир.

Юксак маданият соҳиби бўлган бу донишманду мутафаккирларнинг феъли кенглиги, одамийлиги, инсофлилиги, поклиги, камтарлиги, бир неча хорижий тилларни ҳам ўзлаштирганлиги ва икки-уч тилда ижод қилганликлари уларнинг нақадар буюк билимдон эканликларидан далолатдир. Шу билан бирга турли-туман машаққату қийинчиликларни енгиб, игна билан қудуқ қазиб, ҳалол ва толмас меҳнати билан обрў қозонган бу улуғ зотлар ҳаёти ва фаолияти бугунги кунда ҳам бизларга катта ибрат бўлиб қолади. Эътибор беринг, бу сиймолар бутун умрни бойлик, дунё орттириш, айшу-ишрат қилишга эмас, балки илму-фанга, маърифатга бағишлаганлар, бу йўлда улар нафсни тийиб, азобу-уқубатларга бардош берганлар, илм-фан, тафаккур йўлида азият чекканлар.

Соҳибқирон Амир Темур, тадбиркор ҳоқон Бобур каби буюк давлат арбобларининг тутган сиёсати ўзининг чуқур мазмуни, донолиги билан ажралиб туради. Буни ўша пайтларда ҳам, ҳозир ҳам ғарбу-шарқдаги кўп мамлакатлар тан олганлиги элу юртга аён.

Ватанимиз тарихини ўрганар эканмиз, юртимизда цивилизациянинг вужудга келиши ва ривожланиши, асрлар давомида бунёд этилган тарихий обидалар, машҳур ва мураккаб иншоотлар, одамни ҳайратда қолдирувчи кашфиётлар, маданият турли соҳаларидаги улкан ютуқлар аввало инсоннинг бетиним меҳнати, унинг ақлу заковати туфайли эканлигига имонимиз комил бўлади. Демак, тарих бизни ишнинг кўзини билиб, ақлу-идрок ва садоқат билан меҳнат қилишга ундайди. Фақат ўшандагина ҳаётимиз инсон орзусига лойиқ даражада бўлиши мумкин.

Шундай бой, сермазмун тарихга эга бўлган халқимиз турли тазйиқлар остида ўз миллий урф-одати, маданияти, анъаналарини кейинги юз-юз эллик йил давомида унута бошлаган эди. Ёшлар аждодларнинг илдизи чуқур тарихидан бебаҳра эди. Бу ташвишли ҳолга Ватанимиз истиқлолга қадам қўйиши натижасидагина барҳам берилди. Бу катта дастлабки ғалаба бўлди.

Тарихимизни кенгроқ ўрганиш борасидаги айрим шахсий фикр-мулоҳазаларни ўртага ташламоқчиман. Албатта бу билан мен узил-кесил хулоса чиқармоқчи эмасман. Булар менинг бир тарихчи сифатидаги нуқтаи-назаримдан иборат фикрларимдир. Зеро айни ҳақиқат бахсда, музокараларда, нуқтаи-назарларни қиёслаш жараёнида туғилади.

Шубҳа йўқки Ўзбекистон тарихи аввало ўзбеклар тарихидир. Шу билан бирга юртимизда «ўзбек» ибораси пайдо бўлмасдан аввалги тарихга ҳам дахлдормиз. Бу табиийдир. Минг йиллар давомида Турон, Мовароуннаҳр, Туркистон, Ўрта Осиё деб аталган минтақаларда турли элатлар яшашган. Ўзбекистон деган ном эса XX асрга келиб пайдо бўлди.

Мен «Ўзбекистон тарихи» деганда турли даврларда шу минтақаларда истиқомат қилган халқлар тарихи деб тушунаман. Бугунги кунда ҳам Ўзбекистонда 6 миллиондан ортиқ аҳоли ўзбек бўлмаган миллатларга мансуб. Уларнинг кўпчилигини тожик, қозоқ, қорақалпоқ, туркман, қирғиз ва бошқа миллат вакиллари ташкил этади. Бу миллат ва элатларнинг аждодлари ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида дунёга келганлар. Кейинги даврда руслар, татарлар, корейслар ва бошқа миллат вакиллари ҳам Ўзбекистонни ватан қилиб яшаб келишмоқда.

Демак, ўзбек халқи бағри кенг, диёнатли, сидқидил, миллатлар борасида ҳеч қачон айирмачиликка бормайдиган, аниқ ва тиниқ бир маънавий руҳга эга халқ. Донолар айтганидек, маънавият турли халқлар ва мамлакатлар кишиларини қонқардош қилади. Уларнинг тақдирини ўзаро ҳурмат асосида яқинлаштиради. Тарих далолат берадики, бизнинг маънавиятимиз асрлар давомида турли миллатларга мансуб миллион-миллион кишилар тақдири билан шаклланган.

Табиийки миллий ҳис-туйғу аввало миллат манфаати билан яшаш маъносини билдиради. Шу билан бирга ўзбеклар ҳамдард, саховатли, қўли очиқ, дили равшан халқ. Шу боисдан бизнинг кўнглимиз тўқ. Ана шунинг учун ҳам мен миллий ғурурлик тарафдориман, аммо миллатчиликка, айирмачиликка, гумонсирашга қаршиман. Чунки миллийлик ва миллатчилик бири иккинчисига зид тушунчадир. Халқимиз узоқ тарихи ҳам, бугунги вазият ҳам ҳамжиҳатликни, аҳилликни талаб қилади. Бу олийжаноб фазилат халқимизнинг онгги, бутун вужудига сингиб кетган.

Яна бир масала. Ўзбекистон тарихи учун ўрта мактабларда олийгоҳларга нисбатан ажратилган соат икки баробар кўп. Демак эндиликда мактабларда юртимиз тарихи батафсил ўтилади. Шунинг учун ҳам олий ўқув юртларида Ватан тарихи юқорироқ босқичда, янги даражада ўрганилиши лозим.

Фикримча, олийгоҳларда ўрта мактабда ўтмишимиз ҳақида олинган билимга таяниб тарихимизнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатларини кўпроқ ёритсак мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бундай ёндошиш талабаларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга, эришилаётган мустақилликнинг моҳиятини, бу жараённинг мураккаблигини чуқурроқ тушунишга, президентимиз сиёсатининг нақадар ҳаётбахшлигини англашга ёрдам беради. Бу ҳол бўлажак ёш мутахассисларнинг фахми-фаросатининг ўсишига, фикр доирасининг кенгайишига, воқеаларни таққослаш ва таҳлил қилиш маҳоратини эгаллашга кўмак бўлади, деб ўйлайман.

Маълумки, кўп йиллар давомида тарихни халқ яратади деб уқтириб келинган. Аммо бу ўринли фикрнинг яна бир тарафи бор: гап шахснинг ўрни ва роли, унинг турли фазилатлари ҳақида. Шуни ёдда тутмоқ зарурки одамзод тарихида йирик сиймолар жуда катта ўрин тутган. Буни инкор қилиш адолатдан эмас, деб ўйлайман. Искандар Зулқарнайн, Чингизхон, Амир Темур каби буюк шахсларнинг инсон тақдирига таъсири бениҳоя бўлганлиги бутун дунёга маълум. Петр I ёки Наполеон сиёсатининг тарихдаги ўрнини эслайлик. XX асрда фаолият кўрсатган Ленин, Отатурк, Рузвельт, Черчиль, Сталин, Мао, ёки Ганди, Неру, Жамол Абдул Носир каби арбобларнинг олиб борган сиёсати одамлар тақдирида чуқур из қолдирган. Ҳозирги Ўзбекистоннинг равнақига Йўлдош Охунбобоев, Усмон Юсупов, Шароф Рашидов каби йирик давлат арбоблари қўшган ҳисса каттадир. Демак, тарихни холисона ўрганмоқчи бўлсак, ўтмишдаги давлат арбоблари фаолиятини, уларнинг тутган сиёсатини ҳам чуқурроқ тушунишга интилишимиз лозим.

Яна бир мулоҳаза. Табиийки, миллий маданиятнинг ўзига хослигини тиклаш катта аҳамиятга эга. Шу билан бирга миллий ўз-ўзини англашнинг тикланиши жаҳон инсонпарварлик маданияти ва умумбашарий қадриятлардан, кўп миллатли жамиятимиз анъаналаридан ажралмаслиги керак. Шунинг учун ҳам юртимиз тарихини ўрганиш жараёнида қўшни мамлакатлар тарихи кўламини инобатга олиш керак бўлади. Айниқса XX аср даврини ўрганишимизда бошқа давлатларнинг ижобий ва салбий тажрибаларини ҳисобга олмоқ маъқулдир. Ёшларимиз бошқа мамлакатлардаги, хусусан АҚШ, Хитой, Ҳиндистон, Россия, Туркия, Эрон, Олмония каби давлатлардаги ижтимоий сиёсий вазиятдан ҳам хабардор бўлишлари ҳозирги замон талабидир.

Ва ниҳоят, яна бир фикр. Юқорида айтганимиздек ўзбек халқи ўзининг бой тарихи, буюк намоёндалари, умуминсоний маънавиятга қўшган ҳиссаси билан шак-шубҳасиз фахрланишга ҳақлидир. Шу билан бирга юртимизни дунёга машҳур қилган буюк зотлар жасорати Ватанимиз бугунги ва эртаси учун масъулият билан жиддийроқ қарашни тақозо қилади. Бугун барча хурсанд, чунки юртимиз истиқлолга эришди, мустақилликни қўлга киритди. Негадир менга айрим ёшлар мустақилликни шунчаки оддий бир воқеа деб тушунаётгандек туйилади. Улар бу сўзнинг кенг ва асл маъносини чуқурроқ ҳис этмаяптилар чоғи. Унинг нақадар мураккаблигини тўла тасаввур қилишмаётганга ўхшайди. Эҳтимол, менинг бу мулоҳазам ноўриндир. Юртимиз мустақиллигининг мазмуни бениҳоя, у сиз билан биздан буни тўлароқ англашни ва қадрига етишни, ҳар биримиздан бу жараёнга шахсий ҳисса қўшишни талаб этади. Бу дегани, барча фуқароларни астойдил меҳнатга, ўз бурчини жиддийлик билан онгли равишда адо этишга чорлайди, атроф воқеаларига бефарқ бўлмасликни, Ўзбекистон келажаги учун ҳақиқий фидойиликни талаб қилади. Суверен юртимиз чуқур мустақил мулоҳаза қиладиган, атроф муҳитдаги ижтимоий вазиятни яхши тушунадиган, турли сиёсий шароитларда ҳам зийрак бўлиб, оқилона ва одилона иш тутишга қодир кишиларга муҳтож. Ана шундай жонкуярлар куч-ғайрати билан Ватанимиз ижтимоий адолат жамиятига айланиши мумкин, юртимиз том маънода мустақил бўлиши мумкин.

Умумий хулоса қилиб айтганда тарихда ҳикмат кўп, уни синчиклаб ўрганиш ва тегишли хулосалар чиқариш кишини баркамол қилади. Тарих бугунги муаммоларни яхшироқ тушуниш, эртанги кунимиз режасини аниқроқ мўлжаллашда ҳам катта ёрдам берадиган фандир. Шунинг учун ҳам тарихни ҳозирги авлоднинг буюк тарбиячиси, мураббийси десак тўғри бўлади.

А. АБДУНАБИЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор.

● ЧИРЧИҚ пойабзал фабрикасида илғорлар ҳақида сўз борганда биринчилар қаторида Наташа Музафарова номини ҳам тилга олишади. Узоқ йиллардан бери сидқидилдан ишлаб келаётган бу аёл ўзининг унумли ва сифатли меҳнати билан кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлган. Моҳир пойабзалчи шу кунларда режани доим 110 фоиздан ошириб адо этаяпти.

Даврон АҲМАД олган сурат.

«ТОЗА СУВ» ДАСТУРИ АСОСИДА

ЎЗБЕКИСТОН экология ва саломатлик жамғармаси йўли билан атроф-муҳитнинг софлигини таъминлашга қаратилган муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда. «Тоза сув» дастурининг тайёрланиши ҳам муҳим воқеа бўлди.

Кенг қамровли бу йўриқнома асосида Орол бўйи минтақасида ҳам катта бунёдкорлик ишлари олиб борилади. Жойларда кўп километрли водопровод тармоқлари фойдаланишга топширилади.

Эндиликда ана шу дастур хориждаги нуфузли муассасалар эътиборини ҳам ўзига тортмоқда. Бу хайрли ишга швейцариялик мутахассислар ҳам фаоллик билан киришдилар.

Гап шундаки, «Экосан» жамғармаси Швейцариянинг Берю шаҳрида ўзининг ваколатхонасига эга бўлди. Уни очиш юзасидан махсус шартнома ҳам имзоланди.

Нуфузли ваколатхона «Тоза сув» дастурини амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшиш ташаббуси билан чиқди. Айниқса Орол денгизи ва Оролбўйи зонасида соф экологик ҳолатни барқарорлаштиришга кўмаклашиш мақсадида кўрилаётган тадбирлар диққатга сазовордир.

Бериодаги ваколатхона яна бир хайрли ишга қўл урди. «Тоза сув» дастури асосида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига ёрдам тариқасида Швейцария ҳукумати 20 миллион доллар миқдорида маблағ ажратадиган бўлди.

А. АЛИЕВ.

● *Мутахассис огоҳлантиради*

Айниганини тановул қилманг

КЕЙИНГИ кезларда вилоятимизда муддати ўтиб кетган озиқ-овқат маҳсулотларини ҳамда табиатда униб-ўсадиган, лекин истеъмол қилиб бўлмайдиган неъматларни тановул қилиш натижасида аҳоли ўртасида турли хил хасталиклар вужудга келмоқда. Айниқса, фаслларнинг алмашинуви сабаб инсон жисмида юз берадиган табиий ўзгаришларга истеъмол қилишга ярамайдиган, ёҳуд сифати бузилган озиқ-овқатлар ўзининг салбий таъсирини ўтказмоқда. Бунинг қандай хунук оқибатларга олиб келаётганлигини қуйидаги мисоллардан ҳам билса бўлади.

Вилоят санитария назорати сўнгги ойда шуни аниқладики, Қибрай ва Ўртачирчиқ районларида олти марта овқатдан заҳарланиш ҳолати юз берган. Шундан иккитасида уй шароитида сўйилган қорамол гўштидан тайёрланган овқатни истеъмол қилиш сабабли бир неча киши хасталикка чалинганлиги аниқланди. Биргина мисол: Қибрай районидаги Оққум қишлоғида ўтказилган никоҳ тўйида гўшти ва гуручи алоҳида пиширилиб ош дамланади. Пиширилган гўштни тўғраш пайтида овқатга зарарли микроблар тушади. Бунинг устига гўштнинг муддати анча ўтиб қолган эди. Тайёр овқат дастурхонга тортилади. Натижада 84 киши бундан заҳарланиб, касалликка чалинади.

Бундай ҳол Ўртачирчиқ районида ҳам рўй берди. Бир хонадон соҳибининг айби билан сўйилган касал молнинг гўшти қўшниларга сотилади. Оқибатда маҳалладан бир йўла 47 киши салмонеллёз билан касалланиб, оғир аҳволда касалхонага ётқизилади. Ҳар иккала ҳолатда ҳам беморлар ўртасида болалар борлиги ачинарли ҳолдир. Чунки бундай заҳарланишни «нав-ниҳол» организм кўтара олмайди. Бундан ташқари вилоятимизнинг турли ҳудудларида истеъмол қилишга яроқли бўлмаган қўзиқоринларни тановул қилиш туфайли кишилар саломатлигига путур етказилмоқда.

Давлат санитария назорати мутахассисларининг вилоят тиббий муассасалари ходимлари билан биргаликда олиб борган саъй-ҳаракатлари туфайлигина заҳарланган беморлар ўз вақтида аниқланиб, касалхонага ётқизилмоқда ва даволаш чоралари кўрилмоқда. Юқорида тафсилоти келтирилган ҳолатлар эпидемияга қарши вилоят фавқулодда комиссияси мажлисида кенг муҳокама қилиниб, бу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Имкониятдан фойдаланиб, биз вилоятимизнинг фуқароларига, корхона, муассаса, ветеринария назорати ва ички ишлар идоралари раҳбарларига мурожаат этиб, овқатдан, қўзиқориндан заҳарланишнинг олдини олиш учун қуйидагиларга алоҳида эътиборни қаратишлари лозим деб ўйлаймиз. Нималарга эътибор бериш керак?

— Ветеринария кўригидан ўтказилмаган молларни уй шароитида сўймаслик керак. Агар молда касаллик белгилари аниқланган тақдирда даставвал бундай молларни даволаш зарур. Қачонки, ветеринария ходимларининг рухсати бўлган тақдирдагина молни сўйиш тавсия қилинади.

— Ветеринария хизмати идораларининг махсус рухсати бўлмаган ҳолларда кишилар уй шароитида сўйилган мол гўштини сотиб олмаслик зарур. Чунки унинг истеъмолбоп эканлигига ҳеч ким кафолат бера олмайди.

— Корхона, муассаса, истироҳат боғлари ва бошқа ёввойи қўзиқорин ўсадиган ҳудудларда назорат постлари ўрнатилиши талаб этилади.

— Деҳқон бозорларида ветеринария назорати рухсатисиз гўшт ёки қўзиқорин ва бошқа айниган озиқ-овқат маҳсулотларини сотишга йўл қўймаслик лозим.

— Саломатлик марказлари аҳоли ўртасида овқатдан заҳарланишнинг олдини олиш борасида тавсиявий ишларни авж олдиришлари даркор.

— Овқатдан заҳарланиш белгилари — кўнгил айнаш, қайт қилиш, ич кетиш ҳолатлари аниқланиши билан дарҳол тиббиёт ходимларига мурожаат қилиш керак.

Юқоридаги тавсияномани амалга ошириш бизнинг сиз билан биргаликдаги амалий ҳаракатимизга боғлиқ бўлади. Эл соғлиғи — юрт бойлиги эканлигини унутмайлик. Шундай экан, жойларда муддати ўтган, айниган озиқ-овқат маҳсулотлари сотилишига ва уни тановул қилишга йўл қўймайлик.

Р. МАШАРИПОВ,
Тошкент вилояти Бош Давлат санитария врачи.

ТИББИЁТ ЖИҲОЗЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

ЯҚИНДА Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириғига биноан республикамиздаги мавжуд завод ҳамда концернлар раҳбарлари ва вакиллари «Ўзтибтехника» ишлаб-чиқариш савдо бирлашмасига таклиф этилди. Бу ерда тиббиёт асбоб-анжомлари кўргазмаси ташкил этилди.

Унга «Сельхозмаш», «Маш», «Металлургпром», «Радиоэлектронтехприбор» концернлари, «Протезист», «Средазхиммаш», «Фармация», «Чирчиксельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмалари, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати, «Ташхимсельмаш» ҳамда трактор заводи сингари 30 дан ортиқ корхоналар раҳбарлари қатори Шимолий Кореянинг «Син-Хин» ҳамда Венгриянинг «Медикор» фирмаси вакиллари ҳам ташриф буюришди.

— Бу ерга бугунги кунда ўта зарур бўлган тиббиёт асбоб-ускуналари қўйилган, — деди йиғилганларга Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ўзбек давлат машинасозлик концерни бошқарувининг раиси Ҳамидулла Ҳабибуллаевич Ғуломов. — Бундан мақсад сизлар корхоналарингизда ўз имкониятларингизга қараб, тиббиёт жиҳозларидан истаганингизни ишлаб чиқариш учун «Ўзтибтехника» бирлашмаси билан шартнома тузасизлар ва шу соҳани тиклашда кўмак берасизлар.

Меҳмонлар тиббий жиҳозлар, асбоб-ускуналарни кўздан кечиришгач, ўз хизматларини таклиф қила бошлашди. Тошкент авиасозлар ишлаб чиқариш бирлашмаси бош муҳандисининг муовини Абдуҳамид Ғаниxонов жарроҳлар учун зарур бўлган махсус кроват ишлаб чиқаришлари мумкин эканлигини маълум қилди. Трактор заводи вакили махсус ўриндиқлар, «Ўзбекхиммаш» заводи вакили эса қайнатгич ишлаб чиқаришлари мумкинлигини айтди. Тошкентдаги «Эльбор» ишлаб чиқариш бирлашмаси тиш даволашда қўлланувчи асбоблардан етказиб беради. «Ташхимсельмаш» заводи эса болалар ортопедия кроватини тайёрлайдиган бўлдилар. Эшитиш аппарати аккумулятори «Радиоэлектронтехприбор» концернида ишлаб чиқариладиган бўлди. «Протезист» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Нозим Дўстмуродов эса ногиронлар учун аравалар ҳамда қўлтиқтаёқлар ишлаб чиқаришни режалаштиришгани тўғрисида гапирди. Шунингдек, Шимолий Кореянинг «Син-Хин» ҳамда Венгриянинг «Медикор» фирмаси вакиллари ҳам ўз хизматларини таклиф этишди.

— Маълумки, тиббиёт техникасини чет мамлакатлардан келтириш осон бўлмай қолди, — дейди «Ўзтибтехника» бирлашмаси бош директори Саидикром Аҳроров. — Бунинг учун катта миқдорда пул сарфланади. Фақатгина пул эмас, ҳатто, сотувчилар биздан ўз маҳсулотлари учун камёб маҳсулотлар, юртимизнинг нодир бойликларини айирбошлашни талаб қилишмоқда.

Шу жиҳатдан олганда, «Ўзтибтехника» ишлаб чиқариш савдо бирлашмасида ташкил этилган мазкур кўргазма муҳим аҳамият касб этди.

Р. УСМОНОВА.

● *Билиб қўйган яхши*

Қисқарган дарё

МИССИСИПИ дарёсининг номи Месси Сипи бўлиб, «Сувлар отаси» деган маънони беради. Бир вақтлар Шимолий Америкадаги яшовчилар бу дарёнинг катталиги учун шундай аташган.

Ҳақиқатдан ҳам Миссисипи дунёда катталиги жиҳатидан биринчи ўринда турган. Бироқ дарёнинг ўзанини кемалар юриши учун тўғрилангандан сўнг унинг узунлиги бир неча юзлаб километр қисқариб қолган. Ҳозир ҳам Ер юзидаги дарёлар орасида унинг энг катта дарё эканлиги ёзилган китоб ва дарсликларни учратиш мумкин. Ҳақиқатда эса Миссисипи Амазонка ва Нил дарёларидан кейин учинчи ўринда туради.

А. АЛИЕВ тайёрлаган.

● *Мураббий ҳақида сўз*

ЭЗГУ ТИЛАКЛАР

Болалигиданоқ меҳнатни, илмни севган одам кам бўлмас экан. Буни ёш авлодга билим ва тарбия бериш борасида 42 йилдан буён хизмат қилиб келаётган муаллим — олим Маннон Ортиқов фаолиятидан билса ҳам бўлади.

Оддий деҳқон оиласида туғилиб вояга етган Манноннинг болалиги кўпгина тенгдошларинники каби дала юмушлари билан боғлиқ бўлди. Отаси Ортиқ ака каби сув таради, барг кесиб қурт боқди, дала унинг иккинчи уйига айланди. 13—14 ёшларидаёқ деҳқончилик сир-асрорларини тўла эгаллади.

— Ўғлим, сендан ҳам, аканг Обиджон, опанг Ҳукминисаю синглинг — Қутбинисадан ҳам беҳад хурсандман,— деди онаси Меҳрихон ая бир куни. Дадангнинг изларидан бориб ишга чин ихлос қўйдинглар. Лекин бирдан-бир орзуим — сизларни илмли ҳолда кўриш. Яхши ва аълога ўқиётган экансан, дарсларингни асло бўшаштирма. Илмли киши бир жойдан чиқади, болам.

— Хўп, ойижон, албатта айтганингиз бўлади,— деди шунда Маннон дадиллик билан.— Мактабдан кейин ишни тарк этмаган ҳолда ўқишни давом эттираман.

Худди шундай бўлди. 1952 йилда Тошкент Давлат педагогика институтининг кечки бўлими дала ишларида чиниққан, мактабдалик чоғларидаёқ суратчиликни, расм чизишни яхши ўрганиб олган йигитчани ўз бағрига олди.

Оила бошига қийинчилик тушганда кўнглингга таскин бериб, бошингни силаган кишилар асло унут бўлмайдилар. Маннон Ортиқов бир умрга заҳматкаш зиёкор Юсуф ота Мўминовнинг номини дилига ҳурмат ила муҳрлаб қўйган.

Улуғ Ватан урушидан кейинги машаққатли кунлар эди ўшанда. Ота М. Ортиқовни ўзи директорлик қилаётган Тошкент районидаги 27-ўрта (ҳозирги Юнусобод районидаги 274-ўрта мактабга) ишга таклиф қилди.

— Қобилиятингни биламан, ўғлим, институтда ўқияпсан. Расмчилик ва суратчилик қўлингдан келади. Тўгарак очасан, дарс ҳам беравер асан. Юқори курсларга ўтишинг биланоқ ўз соҳанг — биология бўйича ҳам соатлар ажратиб бераман.

Отанинг бу ишончи бўлажак муаллимга руҳ бағишлади. Мактабга меҳр қўйди. Йиллар ўтгач эса у Юсуф Мўминов, Тоир Исҳоқов, Зоит Риҳсиев, Абдулҳай Абдураҳмонов, Ҳамдам Ҳамзаевдек зукко ўқитувчилардан билим ва тарбия бериш услубларини ўрганиб, ҳурмат, эътибор қозонди.

— Мактабимиз кўп йиллар давомида республика педагогика фанлари илмий тадқиқот институтининг таянч базаси бўлиб келди,— дейди мактабга кўп йиллар директорлик қилган, ҳозир эса пенсионер Убайдулла Маҳкамов,— шу йиллар давомида бу ерга тажриба ўрганиш учун келган қатор ўқитувчилар, илғор услубларни оммалаштирмоқчи бўлган илм-фан мутахассислари Маннон Ортиқовнинг зоология, ботаника, биология фанлари бўйича ўтган дарсларини юқори баҳолаганлар. Малакали ўқитувчи сифатида ундан амалиёт борасида мунтазам ўрганганлар. Ҳозир ҳам ана шу ҳамкорлик давом этмоқда.

Маннон Ортиқов муаллимлик қилиш билан бирга илмиётга ҳам чуқурроқ кириб борди. У фаолияти давомида 20 дан ортиқ мақолалари билан турли журналлар, газеталар орқали тажрибаларини ўртоқлашди. Педагогик ўқишларида унинг маърузалари юқори баҳоланиб, юксак мукофотларга сазовор бўлди. Кейинчалик муаллим тажрибаларига таянган ҳолда «Ботаника ва зоология дарсларида ўқитишнинг экран воситаларидан изчил фойдаланиш усуллари» мавзуида педагогика фанлари бўйича номзодлик диссертациясини ёқлади.

Дарс бериш ва тарбиялаш борасида юқори малака оширган М. Ортиқов ўз меҳнатига яраша лавозимларда ҳам улғайиб борди. У илмий бўлим мудири сифатида кўп йиллар ишлади. Талабчанлиги, ҳар бир муаммони ўз вақтида адолатли ҳал этиши билан ўқитувчилар иззат-икромини қозонди. Бир неча йилдирки, у ўзи фаолият кўрсатаётган Юсуф Мўминов номли мактабнинг директоридир.

М. Ортиқов умр йўлдоши Муқаддамхон билан 9 фарзандни вояга етказган ота, «Наврўз» маҳалла қўмитасининг фаоли сифатида ҳам юксак обрўга эга.

Заҳматкаш олим М. Ортиқовнинг кўп йиллик хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. У халқ маорифи аълочиси, Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланган, район халқ таълими бўлими томонидан бир неча бор рағбатлантирилган.

М. Ортиқов ҳамон ишчанлиги, ёшларга ғамхўрлиги, ўз тажрибасини ўргатишда сидқидиллилиги билан ўқитувчилар жамоаси эътиборида. Яқинда у 60 ёшга тўлди. Унинг ёр-дўстлари, оила аъзолари, ҳамкасблари ва шогирдлари устозларини самимий қутламоқдалар. Биз ҳам улар қатори ана шу эзгу ниятларга чин дилдан тилакдошмиз.

Зарофат УСМОНОВА,
Юсуф ҚОБИЛЖОНОВ.

Малакали ўқитувчи — олим — Маннон Ортиқов вақти-вақти билан муаллимларни йиғиб, ўзининг дарс ўтиш услуби, тажрибалари ҳақида суҳбатлар ўтказади. Суратда: М. Ортиқов шундай суҳбатлардан бирида.

В. Харитонов сурати.

● ИЖАРАЧИЛАР ТАЖРИБАСИДАН

ЎЗИНИ ОҚЛАЯПТИ

Қишлоқ хўжалигида, шу жумладан, сабзавотчиликда меҳнатни ташкил этишнинг ижара усулига ўтиш нималар бермоқда? Тошкент районидаги Навоий номли жамоа хўжалигининг раиси Ғани ВАЛИЕВ бу ҳақда мухбиримизга қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди.

— Биз бу усулни жорий эта бошлагач, очиғи, қандай бўларкин, деб иккиландик. Ерларни ижарачиларга бўлиб берсак, у ҳолда хўжаликнинг хўжалиги қаерда қолади?!

Лекин, район ҳокимининг бир гапи бизни ўйлантириб қўйди. Биз сизларни мажбур қилмоқчи эмасмиз, бироқ, бир нарсани ҳисобга олиш керак. Ҳозирги қийин кечаётган бозор шароитида деҳқонларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга ўз вақтида ҳақ тўлаб туриш, манфаатдорлик омилларидан фойдаланиш анча қийин бўлади. Ижарага ўтсанглар бу муаммоларни ҳал этиш осон кўчади. Чунки ерга деҳқоннинг ўзи эгалик қила бошлагач у, қандай қилиб бўлмасин ердан самарали фойдаланиш, мўл, эртаки ҳамда сифатли ҳосил олиш учун у ҳаракат қилади. Шу тариқа шаҳар аҳолисини мева, сабзавот ва бошқа маҳсулотлар билан мўл-кўл таъминлаш учун имконият яратилади.

Бундай ўйлаб қарасак, жуда тўғри маслаҳат берилаётган эди. Фаоллар билан келишиб ижара усулига дадил ўтдик. Биринчи йили айрим хатоларга йўл қўйилди. Иккинчи йили улардан сабоқ чиқардик. Натижа яхши бўлмоқда. Ўтган йили ижарага 400 гектар ер берилди. Ана шу ернинг 120 гектарида картошка, 280 гектарида сабзавот етиштирилди. Картошканинг ҳар гектаридан эртаки ва ўртакиси бўлиб 12 тоннадан ҳосил олинди, айримлар 20 тоннага етказдилар. Режа бўйича давлатга 7750 тонна сабзавот етказиб берилиши керак эди. 8 минг тоннадан ошди. Айниқса, сабзи, болғор қалампири, турп, шолғомдан юқори ҳосил олинди. Помидорга касал тушиб кетиб, мўлжалдаги ҳосилни олиб бўлмади.

Маълумки, колорадо қўнғизи картошканинг кушандаси. Ҳосилини камайтириб юборади. Лекин ижарачилар қаттиқ турдилар. Қўнғиз ҳосилни емайди. У экиннинг барги тагига уруғ қўяди. Бу уруғ жонланиб, қуртчалар пайдо бўлади. Ана шу қуртчалар экинни еб битиради. Худди ана шу пайтни мўлжаллаб дори сепилса, қўнғизга қирон келади. Ижарачилар ана шунга эришдилар. Шунинг учун ҳам картошка ҳосили сақланиб қолинди.

Ижара услуби тўғри, ҳалоллик ва ҳолислик билан жорий этилса, унинг фойдаси катта. Аввало, шартнома ҳар жиҳати ҳисобга олиниб пишиқ-пухта ишланиши керак. Биз энг биринчи навбатда ана шу масалага алоҳида эътибор бердик. Шартнома бўйича бу йил бир гектар ер учун ижарачилар 40 минг сўм; суғурта, касаба уюшмалари ва бошқа хизматлар ҳисобга олинадиган бўлса 50 минг сўм тўланиши белгилаб қўйилди. Пули борлар биратўла тўладилар. Айримлар ярмини тўлаб, қолганини даладаги маҳсулотни олгандан сўнг тўлашга келишилди. Етиштириладиган маҳсулотнинг 50 фоизини давлат буюртмаси ҳисобига топширадилар. Лекин, фақат сара ва сифатли маҳсулот бўлиши керак! Шартномада шунга келишилади. Бунинг учун асос бор. Ҳар икки томоннинг мажбуриятлари шуни тақозо этади.

Сара уруғ ярим ҳосил дейдилар. Шартномага ўтилгач, уруғчилик масаласи қатъий қилиб қўйилди. Ҳар бир ижарачи ўзининг даласига экадиган экин турлари, қанча ерга нима экишини ҳисобга олиб жамоа бошқарувига, бизга мана бу хилдаги уруғлардан шунча керак, буюртма беради. Биз уларни умумлаштириб, қанча уруғ зарурлигини ҳисоблаб чиқамиз ва сўнг республика уруғчилик ташкилотига буюртма берамиз. Улар билан шартнома тузамиз. Шартномада бизнинг талабларимиз қайд этилади. Улар сифатли уруғ етказиб беришга кафолат берадилар. Агарда уруғ сифатсиз чиқиб қолса, деҳқон меҳнатига қуйса кўриладиган зиённи тўлайдилар. Бу ҳақда шартномада махсус банд бор. Илгари кўнгилсиз воқеалар кўп бўларди-да. Экилган карам уруғлари гуллаб кетиб, ҳосил бермасди. Сабзи ва бошқа сабзавот уруғлари айниган бўлиб чиқарди. Энди ундай бўлмаслигига деҳқонда ишонч бор.

Агарда хўжалигимизда 13 та бригада бўлса шундан 10 таси сабзавотчиликка ихтисослашган. Ижарачилар билан яна шу нарсага ҳам келишганмиз: берилган ерларга сабзавот ва картошкадан бошқа экин экилмайди, Ўтган йили 651 киши ижарачи бўлиб ишлади. Айтиш мумкин, ижарачилар зўр иштиёқ, ҳафсала, меҳр билан меҳнат қилдилар, яхши натижаларга эришдилар. Масалан, 6-бригададан ижарачи Қодирхўжа Абдураҳимов 2 гектар майдонни ижарага олган эди. 50 фоиз ҳисобига 33,1 тонна маҳсулот топширди. Шу ҳисобга 150 минг сўм даромад қилди. Агар 100 минг сўмини ижара ҳақига чиқариб ташласак, у 50 минг сўм соф даромад олди. 8-бригададан Тошканбой Усмонов 3,70 гектар майдонда деҳқончилик қилди. Шартномада келишилганидек 50 фоиз -ҳисобига 74 тонна маҳсулот топширди ва 370 минг сўм даромад қилди.

Биз ҳисоблаб чиқдик: 50 фоиз топширган маҳсулоти ҳисобига ҳар бир ижарачи агар йилга тақсимласак, ойига ўртача 10—12, баъзилари 15 минг сўмдан даромад қилмоқда. Агар бу даромадларга ижарачининг ўз тасарруфида қоладиган 50 фоиз маҳсулотни сотишдан оладиган фойдасини ҳам қўшадиган бўлсак, у қанча даромад олишини тасаввур қилиш қийин эмас. Бу йил ҳам ўтган йилдагидек 400 гектар майдонда 650 дан ортиқ ижарачи ишлаяпти.

Дастлабки тажрибалар, ютуқлар, хулосалар қандай? Менинг фикримча, ижарага ўтилгач, шаҳар аҳолисини фақат ёздагина эмас, қиш ва кеч баҳор — илик узилди пайтларида ҳам зарур маҳсулотлар билан бир қадар мўл-кўл таъминлаш учун шароит яратилади. Буни бизнинг хўжалигимиз мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Ахир бир вақтлари деҳқоннинг эрки ўзида эмас, у қийин-қистовда, режани бажараман, деб ишлар, бир амаллаб тирикчилигини ўтказарди. Етиштирилган ҳосилига сира ҳам эгалик қилолмасди. Ижарага ўтилгач, ҳосилининг маълум бир қисмига ўзи хўжайинлик қилади. Шунинг учун у ўзига тегишли бу маҳсулотнинг маълум қисмини пишиқчилик даврида сотса, маълум қисмини ота-болаларимизнинг удумларини қўллаб ҳовлисидаги ертўлада, ўралар кавлаб кўмиб сақлайди. Айниқса, кечки картошка, сабзи, шолғомни, турпни ана шу усулда сақловчилар кўп бизда. Деярли ҳар бир ижарачи ота-боболаримизнинг бу удумини қўллаяпти. Айни кунларда бозорларда маҳсулотнинг нисбати сероблиги боиси шундан деб ўйлайман.

Ўзи-ку, сабзавотчиликда селитрадан фойдаланиш қатъиян ман этилган. Лекин эндиликда бу ўғит берилган ва топилган тақдирда ҳам ижарачи асло ундан фойдаланмайди. Чунки селитра солинган маҳсулотни узоқ сақлаб бўлмайди. Бу ижарачи учун зиён. Шунинг учун ҳам у фақат маҳаллий ўғитдан фойдаланишга ҳаракат қилади. Оқибатда ер ҳам тозаланиб, соғломлашмоқда. Ана ижаранинг яна бир моҳияти!

Бозорлардаги тўкинчиликда ижарачининг ҳиссаси катта дедик. Лекин кимнинг ҳиссаси қанча бўлмоқда? Афсуски, ҳозирги вазиятда бу ҳақда аниқ мэълумотларни айтиш қийин. Чунки очиқ айтиш керак, ҳамма бозорларда ҳам ижарачиларга яхши шароит яратиб берилмайди. Кўп ҳолларда жойнинг тўрини чайқовчилар эгаллаб оладилар. Деҳқон — ижарачи баъзида ноқулай жойда туриб савдо қилади.

Кўпинча маҳсулотини арзон-гаровга, кўтарасига сотиб кетишга ҳам мажбур бўлади. Биз ҳар бир бозор маъмурияти меҳнаткаш, қўли қадоқ ижарачи деҳқонларга ҳурмат-эътибор билан қараб, уларга зарур шароитларни яратиб берсалар, деб орзу қиламиз. Бу бир. Иккинчидан, деҳқон бозорида қайси хўжаликдан келган ижарачилар кўпроқ ва улар қанча миқдорда ва сифатли маҳсулот сотишди? Буни ҳисобга олса бўлади-ку ахир. Чунки деҳқон бозорга келганида тош-тарози олади, қўлига чипта беришади. Ана шу жараёнда нега уларнинг қайси хўжаликдан эканлиги, сотадиган маҳсулотининг миқдорини тахминан бўлсэ ҳам ҳисобга олиш мумкин эмас?! Ана шунда адолатли иш бўларди. Энг муҳими ижарачи хўжаликларида режалар амалда эмас, қоғозда бажариляпти, деган бўлмағур, иғво гапларга ўрин қолмасди. Тўғри-да, қайси хўжаликда ижарачилар қандай меҳнат қилишяпти, қанча ҳосил етиштиришяпти, шаҳарга қанчасини сотишяпти, бунга ҳолис баҳони бозор бериши керак-да! Ҳозирча ундай бўлмаяпти.

Энди яна бир савол туғилади. Модомики, ижарага ўтилгач, деҳқон ўзи учун ўзи ҳаракат қилиб, ўз ишини ўзи билиб қилаётган экан, нега бошқарувни ҳар жиҳатдан ихчамлаштириш мумкин эмас? Бригадирлар керакми, деган фикр туғилади.

Ҳозирча бригадир керак, деб ўйлаймиз. Лекин у, албатта, аввалги бригадир эмас. Буйруқ, дўқ-пўписа билан асло иш кўролмайди. Ижарачи ҳамма нарсага улгуролмайди. Айрим муаммолар кўндаланг бўлади. Истак, талаблари бор бўлиши мумкин. Дала ишларидан ортиб, бошқарув — маъмуриятга ўз вақтида боролмайди. Ана шунда бригадир керак бўлади. У ўртада воситачилик қилади. Яна шуниси ҳам бор. Ижарачиларнинг айримлари баъзи ҳолларда деҳқончиликка оид тадбирларни ўз вақтида амалга оширишда қийналиб қоладилар. Ана шунда тажрибали деҳқон, кўпни кўрган бригадирнинг маслаҳати, йўл-йўриғи асқотади. Дала айланиб юрадиган, ижарачиларнинг иши билан танишадиган бригадир, оғайни, бу ишинг бўлмайди-ку, ҳосилдан ютқазиб қўясан, чўнтагингга зиён қиласан, менимча бундай қилганинг маъқул, деб ётиғи билан тушунтиради. Бу, албатта, зарур!

Лекин, ижарачилик такомиллашиб боравергач, бу усул қатъий жорий этилгач, аниқ йўлга тушиб олгач, шундай пайтлар келадики, ҳақиқатан ҳам бригадирга эҳтиёж қолмайди. Бугина эмас, бошқарув ҳам ҳозиргига қараганда яна ҳам ихчамлашади. Эҳтимол, битта раис, бош ҳисобчи, яна икки-уч идора ходимидан бўлак бошқа штатларни ушлаб туришга эҳтиёж қолмайди. Фермер-деҳқон хўжаликлари-ижарачилик бора-бора табиийки, бошқарувда ана шундай ихчамликка олиб келадилар. Ҳаётнинг тақозоси бу. Лекин бунинг учун ҳали бироз вақт бор. Маъмурий-буйруқбозлик иллатларидан тўла ҳоли бўлиш, одамларнинг онгини ўзгартириш учун ҳали кўп иш қилишимиз керакка ўхшайди. Дейлик, нега тайёрлов органларини деҳқон маҳсулотини харид қилиш ва истеъмолчига етказиб бериш тартибини кескин ўзгартириш керак эмас? Нега улар пишиқчилик пайтида ўзларн тез-тез далага келиб деҳқон билан келишиб, тайёр маҳлотини олиб кетмайдилар. Агар деҳқон помидорини бозорда 30—40 сўмга сотадиган бўлса, тайёрловчиларга икки-уч сўм арзонига жон деб кўтарасига бериб юборади-ку! Бу унга ҳар жиҳатдан фойдали. Ишни шу зайилда ташкил этиш тайёрлов органларида ҳам бошқарувни анча ихчамлаштириш, қанчадан-қанча штатларни қисқартириш имконини беради-ку. Бу ҳақда ҳам ўйлаб кўриш керак.

Демак, ижаранинг имкониятлари, ҳали очилмаган қирралари кўп. Уларни очишимиз керак. Ҳозирги бозор иқтисоди шароитида бу ғоят муҳимдир. Мен шуни аниқ-равшан айтишим мумкин. агар биз ижарага ўтмаганимизда ҳозирги шароитда анча қийналиб қолган бўлардик. Ўзингиз ўйланг, ёқилғи, мойлаш материаллари ҳаддан ташқари қимматлашиб кетди-ку. Ижара шароитида эса деҳқонлар, ижарачиларга хизмат кўрсатишда бу муаммони бир қадар енгиллаштириш мумкин бўлмоқда. Қандай қилиб денг. Биз ҳар бир ижарачига юк ташишда, керак бўлса, маҳсулотини бозорга олиб бориб сотишида ишлатиши учун машина, культиваторни билан трактор, прицепли трактор ва бошқа техникаларни етказиб берамиз. Бунинг учун улардан ҳақ олинмайди. Лекин уларнинг ишлатиш, тракторчига, машина ҳайдовчига ҳақ тўлаш, техникаларни, ёқилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш ижарачининг зиммасида бўлади. Ҳозир бизга бир литр бензин 150 сўмга келиб тушмоқда. Сотувда эса анча арзон. Эҳтимол, ижарачи йўлини қилиб сотувдан олиб келар.

Қисқаси, мен қишлоқ хўжалигимизнинг келажаги, истиқболи ижара уюшмаларида, деб биламан. Ижара кўп нарсаларга йўл очади. Айрим ижарачилар ўз уйларида, ҳатто, кичик цехларни очиб, сабзавотлардан ҳар хил консерваларни тайёрлашлари мумкин. Ҳозир ҳам шундай қилаётганлар йўқ эмас.

Бундан хулоса шуки, модомики, биз бу йўлни танлаб олган эканмиз, бундан орқага чекинмаслигимиз керак. Аксинча, ижарачиларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, уларга зарур шарт-шароитларни яратиб беришимиз зарур. Биз шундай қилмоқдамиз.

Суҳбатдош **Н. РИҲСИЕВ.**

● ЖУМҲУРИЯТИМИЗДАГИНА эмас, балки Ўрта Осиёда биринчилардан бўлиб ташкил этилган Янгийўл технологик коллежида кундузги ва сиртқи бўлимларда 2 мингга яқин талаба таълим олмоқда. Коллежга 9—11 синфни тугатган лаёқатли ўқувчилар қабул қилинади. Коллежнинг афзаллик томони шундаки, бу ерда ўқув жараёнида талаба турли амалий машғулотларни ўрганганлиги учун ўз мутахассислиги бўйича бемалол иш олиб бораверади. Коллежни тугатиб билимини ошириш ниятида бўлганлар шу соҳадаги институт ва университетларга суҳбат ўтказиш йўли билан кундузги бўлимга учинчи курсдан, сиртқи бўлимга эса тўртинчи курсдан қабул қилинади.

СУРАТЛАРДА: микробиология лабораториясида машғулотда; ўқитувчи Ю. Нуриддинов дарс ўтмоқда.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) суратлари.

МУТАХАССИСЛАР СЕМИНАРИ

Тошкент вилоят ҳокимлиги меҳнат, иш билан таъминлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бошқармасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг «1993 йил 1 январдан бошлаб меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини жорий этиш тўғрисида»ги қарорининг ҳаётга тадбиқ этиш масаласига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Семинарда Меҳнат Вазирлигининг бошқарма бошлиғи Б. А. Раҳимбоев сўзга чиқиб, ягона тариф сеткасининг амалда қўлланиш тартиби тўғрисида атрофлича тўхталиб ўтди ва йиғилиш қатнашчиларининг кўплаб саволларига жавоб берди. Шунингдек, Чирчиқ трансформатор заводи меҳнат ва иш ҳақи бўлимининг бошлиғи муовини Д. Сейтосманова корхонада ягона тариф сеткасига ўтиш масаласи қандай ҳал қилинганлиги, Олмалиқ шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими иқтисодчиси Л. Грегораш бу борадаги тажрибалари тўғрисида гапириб бердилар.

Йиғилишда шаҳар ва район меҳнат биржаларининг мутахассислари ўзаро фикр алмашдилар, бундан кейин амалга ошириладиган ишлар тўғрисида келишиб олдилар.

Йиғилишда бошқарма бошлиғи Т. Х. Холбоев сўзга чиқди.

Ш. МИРҲАБИБОВА,
бошқарманинг аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўлими бошлиғи.

ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ

ЎРТАЧИРЧИҚ. Яқинда Ойбек номли маҳалла ҳудудида район раҳбарларининг ташаббуси билан шанбалик ўтказилиб, боғ барпо этилди. Бу ерга 500 туп мевали дарахт кўчатлари ўтказилди. Ҳашар йўли билан барпо этилган боғнинг бунёдга келишида маҳалла фаоллари И. Айтқулов, М. Суюров, Х. Охунов, И. Юсуповлар, айниқса, яхши меҳнат қилиб бошқаларга ибрат кўрсатишди.

Маҳалла аҳли бу ишга бош қўшиб, уларни қўллаб-қувватлаганликлари учун район раҳбарларига ўзларининг миннатдорчиликларини билдиришди.

С. РАҲМАТХУЖАЕВ.

УЗУМЗОРЛАРДА

УЗУМЗОРЛАРДА қиш бўйи етарлича намлик жамғарилган бўлишига қарамасдан сўнгги ойларда юз берган давомли ёғингарчиликлар натижасида ток новдалари меъёридан ортиқ ўсиб кетди. Гулга кириши ҳам ҳар йилдагига қараганда бирмунча кечикмоқда. Бунинг устига юзага келган шароит кўпроқ қўл кучини талаб этмоқда. Хўш, ана шундай қийин вазиятда мўлжалдаги ҳосилни сақлаб қолиш учун асосан нималарга эътибор бериш лозим?

Пискент районидаги мева, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган «Ўзбекистон» давлат хўжалигида бўлганимизда бизни ўйлантираётган саволларга омилкорлик билан жавоб топилаётганлигининг устидан чиқдик. Табиий қийинчиликларни кўравериб кўзлари пишган соҳибкорлар бу йилги шароитда ҳам юзага келган мураккабликларни ҳамжиҳатлик билан бартараф этмоқдалар. Хўжаликнинг ўз фаолиятларини оила пудрати асосида юритаётган Ислом Абдуллаев бошчилигидаги бригада узумзорларида шу кеча-кундузда қилинаётган ишлар бунга яхши мисол бўла олади. Соҳибкорлар бу йил 104 гектар ердаги токни парвариш қилишяпти, узумлар асосан хўраки, винобоп навлардан иборат. Баҳорги ишларни эрта кўкламдан буён намунали ташкил этиб келаётган боғбонлар об-ҳаво қийинчиликларини ҳам мардона енгиб меҳнат қилишяпти.

Парвариш меъёрида бормоқда. Ёғингарчиликнинг кутилганидан ҳам зиёд бўлганлиги натижасида ток новдалари ҳаддан ортиқ ўсиб кетган эди. Маълумки, бундай пайтда қўшимча хомток қилишга, ҳосил доналарини барглар орасида тўсилиб қолмаслигини таъминлашга тўғри келади. Шуни алоҳида ҳисобга олган боғбонлар қўшимча бачкиларнинг ўсишига йўл қўйишмаяпти. ҳар бир ёмғирдан сўнг токларнинг ҳолатига қараб пешма-пеш хомток ўтказилмоқда. Ҳозирга қадар уч марта ана шундай юмушлар амалга оширилди. Ишни ташкил этишда Ваҳоб Иброҳимов, Ҳотамқул Раимқулов ҳамда Собир Абдуллаев сингари бригадада кўп йиллардан буён сидқидилдан меҳнат қилиб келаётган соҳибкорлар бош бўлган оилавий пудрат аъзолари алоҳида фаоллик кўрсатишмоқда. Улар ишнинг кўзини билишади. Бошқаларга ҳам ўз тажрибаларини ўргатиб, ҳозирги қийин шароитда умумий фаолиятни жадаллаштиришга ҳам ҳисса қўшишяпти. Хомтокдан чиқарилган узумзорларда ҳашаротга қарши кураш ҳам намунали ташкил этилмоқда. Шу кунларда махсус агрегат ёрдамида пуркалаётган олтингугурт асосан узумчиликда ҳаво паст келган вақтда кенг тарқаладиган кул тушиш касаллигининг олдини олади. Мазкур агротехник ишловни сифатли амалга ошираётган Саидкарим Насруллаев ҳар куни 10—15 гектардаги узумзорни дорилаб чиқишга эришмоқда. Бу юмушлар назорати совхоз агроном-энтимологи Эргаш Эрматовнинг зиммасига юклатилган. Мутахассис масъулиятни ҳис этиб, иш юритяпти. Уни бригадага қарашли узумзорларда бўлганимизда токларга кимёвий ишлов бераётган агрегатларни кузатиб юрганида учратдик. Фикрини тинглаш мақсадида суҳбатга тортдик.

— Узумзорларни олтингугурт зарралари билан дорилаш ҳар йили шароитга қараб мавсум давомида икки марта амалга ошириларди,— деб таъкидлади Э. Эрматов.— Лекин бу йил кўп ёмғир ёғаяпти. Шуни ҳисобга олиб, битта қўшимча ишлов бериш тақозо этилмоқда. Буниси ҳосилнинг гулга кириши арафасида ўтказиляпти. У, шубҳасиз, яхши самара беради. Дарвоқе, кўзланган мақсадга эришиш учун ҳамма имкониятлар ишга солинмоқда. Хўжаликнинг бошқа бригада токзорларида ҳам парвариш қизғин бормоқда.

Иброҳим ТОШЕВ.

Пудратчилар узумзорда.

Суратказ Ф. УМУРЗОҚОВ.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

● ЖЕНЕВА шаҳрида қуролсизланишга бағишланган конференция сессиясининг иккинчи қисми очилди. 26 июнгача давом этадиган мазкур мажлис иштирокчилари бундан кейин қилинадиган ишларнинг асосий йўналишларини белгилаб олмоқдалар. Ядровий синовларни тақиқлаш, коинотни ердан олиб чиқиладиган қурол-яроғлардан ҳоли қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

● БИРЛАШГАН Миллатлар Ташкилоти маълумотларига қараганда, Канада аҳолисининг турмуш даражаси жиҳатидан 181 давлат орасида ҳозиргача биринчи ўринни эгаллаб келган бўлса, эндиликда у иккинчи ўринга тушиб қолди. Ҳозир Япония биринчи ўринни эгаллаб турибди. Ундан кейин Канада, Норвегия, Швейцария, Швеция ҳамда Америка Қўшма Штатлари сингари мамлакатлар турибди. Турли давлатлардаги аҳоли турмуш даражаси мақомини аниқлаш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти анча мураккаб формула ишлатади. Унда жумладан, жинслар тенглиги, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, ҳаётий стандартлар ҳамда жиноятчилик даражалари ҳам эътиборга олинади.

● АМЕРИКА Қўшма Штатларига ташриф буюрган Қирғизистон президенти Асқар Акаев БМТ Бош котиби Бутрос Ғолий билан учрашди. Бош котиб Қирғизистон халқи ва раҳбариятининг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда мамлакатни ривожлантиришга қаратилган саъи-ҳаракатларини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тўла-тўкис қўллаб-қувватлашини билдирди.

● КУБАГА Украинадан 300 тонналик инсонпарварлик ёрдами келди. Озиқ-овқат ҳамда дори-дармонлардан иборат бўлган бу ёрдам касалхоналар, дам олиш уйлари ҳамда пионерлар қўналғагоҳлари учун мўлжалланган. Чунки, Чернобил фожиасида азият чеккан 10 мингдан зиёд болалар баайни мана шу ерда шифоланмоқдалар. Ёрдам Чернобил қурбонларини қўллаб-қувватлаш Украина жамғармаси томонидан юборилди.

● ХИТОЙ билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари, чамаси, бундан кейин ёрқин йўлга тушиши мумкин. Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси доимий қўмитасининг аъзоси Ли Жуйхуан Ўзбекистон Халқ Демократик партияси делегацияси аъзолари билан учрашувда, жумладан, Хитой Ўзбекистон билан ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга тайёрдир, деб айтди. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. Расулов бошчилигидаги делегация яқинда Хитойга ташриф буюрган эди. «Хитой Халқ Республикаси билан Ўзбекистон ўртасида қадимий тарихий алоқалар мавжуд, улар — қўшнилардир, шу сабабли икки томонлама ҳамкорлик ҳам Хитой халқининг, ҳам ўзбек халқининг туб манфаатларига мос бўлиб тушади».— деди Ли Жуйхуан. РАТА — ТАСС мухбирининг Пекиндан хабар қилишича, М. Расулов ХХРга қилинган бу ташриф иккала мамлакатга ўзаро дўстона муносабатларни мустаҳкамлашда илгари силжиш имкониятларини беради, деб ишонч билдирди.

● ЯПОНИЯДА чиқадиган «Иомиури» рўзномасининг хабар қилишига қараганда, БМТ қўшинлари таркибида Мозамбикда тинчликни сақлаб туриш учун жўнатиладиган япон ҳамда америка ҳарбий қисмлари Япония ҳудудида жойлашган Америка базаларидан бирида биргаликда тайёргарлик машқларини ниҳоясига етказадилар.

● СОБИҚ совет ҳарбий академияларини битирган ёки Давлат хавфсизлиги қўмитаси ходимлари бўлган кишилардан келаётган аризалар «Причард секьюрити» фирмасини анча «тинчиқтириб» қўйди. Гап шундаки, Жанубий Африка Республикасига қарашли бу ташкилот мамлакатдаги энг йирик компаниялар хавфсизлигини сақлаш учун мўлжалланган кишиларни ёллаш билан шуғулланади. Бу ҳақда «Санди таймс» рўзномаси хабар берди. Лекин, ЖАР ички ишлар вазирлиги вакили баёнот бериб, бундай аризалар Жанубий Африка муҳожирлик хизмати идоралари томонидан кўриб чиқилади, деди. Вакил гапларига қараганда, бу шунчалик расмиятчилик бўлиб, аслида ЖАРнинг ўзида ишсизлик муаммоси энг мушкул масалалардан бири бўлиб турибди.

● АҚШ шу ҳафта охирида Корея Халқ Демократик Республикаси билан олий даражада музокаралар ўтказишни мўлжаллаб турибди. Унда Корея ярим оролида ядровий қуролни тарқатмаслик масалаларини ҳал этиш йўллари муҳокама этилади. АҚШ КХДРдан ядро қуролини тарқатмаслик ҳақидаги шартномага қайтишни, ҳарбий ядровий ашёлар тўпланмоқда, деб гумон қилинган иншоотларни МАГАТЭ томонидан текшириш учун очиб қўйишни ва ядро қуролини яратиш дастурини тўхтатишни талаб қилмоқда.

● ЧУКОТКАДАГИ Нутэпэльмен қўрғонидан олти километрлик масофада бўлган жойга Шмидт алоҳида авиаэскадрильясига қарашли «Ми-8» вертолёти қулаб тушди. Дастлабки хабарларга қараганда, унинг ичида 22 киши бор эди. Саккиз нафар киши ҳалок бўлди. Қолганлар турли даражадаги жароҳат олдилар. «Московские новости» рўзномаси махсус мухбири В. Константинов, Санкт-петербурглик этнолог Г. Грачева, ўқувчилар С. Гаврилов, С. Усачев, таржимон В. Глазунов, Швейцария жамоатчилик билан алоқа қилиш хизмати «Лонжин» фирмаси раҳбари Р. Росье, таржимон Р. Гябе ҳамда Франция фуқароси Д. Бодуа ҳалок бўлдилар. Фалокат сабаблари аниқланмоқда.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

ЎРТАЧИРЧИҚ ЯНГИЛИКЛАРИ

ЮЗДАН ОШГАН ОТАХОН

ТИИИМСҲ ўқув-тажриба хўжалигида истиқомат қилувчи Йўлдош ота Омонов яқинда 102 ёшга тўлди. Унинг етти нафар фарзанди, 60 невара-чевараси бор. Аввалига деҳқончилик, сўнгра 33 йил мобайнида ошпазлик қилган Йўлдош ота узоқ умр кўришни шундай изоҳлайди: аввалю худо берган умр, қолаверса, мен бутун умримни табиат қўйнида ўтказаяпман. Сиз ҳам табиат бағрига ошиқинг...

63 ЁШЛИ СПОРТЧИ

«ЎЗБЕКИСТОН» жамоа хўжалитида яшовчи 63 ёшли Сотиболди Исматуллаев 32 килограммлик тошни бемалол 50—60 марта кўтариб «ўйната» олади. Шу туфайли ўзини соғлом ҳис этади.

У Пискентда ва Чимкентда турли миқёсда ўтказилган қишлоқ спортчилари мусобақасида қатнашиб, биринчи ва иккинчи ўринларга сазовор бўлган. Ҳатто шундай пайтлар бўлдики, у автобусда чайир қўллари билан киссавурларни ушлаб, милицияга топширган. Ҳозир фарзандлари Камолиддин, Жалолиддин, Жамолиддин, Нуриддинлар ҳам отаси ёнида спорт билан шуғулланишяпти.

ЗУЛАЙҲО АЯ ХУРСАНД

АКМАЛ ИКРОМОВ номли жамоа хўжалиги бошқаруви аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида 41 та хонадонга минг сўмдан ҳайрия ёрдами кўрсатди. Ёлғиз онахон, меҳнат фахрийси, саксон ёшли Зулайҳо ая Фатхневага эса битта сигир ҳадя этилди. У саховатпеша инсонлар ҳақига дуо қилмоқда.

ҚАЙМОҚ, САРИЁҒ ЎЗЛАРИДАН

«ТЎЙТЕПА» кичик корхонасида сутни қайта ишлайдиган янги цех ишга туширилди. Бу ерда сут қайта ишланиб, қаймоқ, сариёғ, пишлоқ, синғари озиқ-овқат маҳсулотлари олинмоқда. Дастлабки маҳсулотлар Тўйтепадаги «Ғунча» болалар боғчасига берилди.

МАКТАБ АКТЁРЛАРИ

АБДУЛЛА Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият олийгоҳининг режиссёрлик куллиёти дипломанти Шавкат Каримов ўзи ўқиган Умрия Йўлдошев номли 36-ўрта мактабда драматург Шароф Бошбеқовнинг «Эски шаҳар гаврошлари» асарини саҳналаштирди. Спектаклни томоша қилган маданият олийгоҳининг катта ўқитувчиси Хусан Мирпўлатов диплом ишини аъло баҳолади. Асардаги ролларни ушбу мактаб ўқувчилари ижро этишди.

У. ҲАМИДОВ.

ФАН ВА ТАЪЛИМ

ТАЛАБАЛАР ИЛМИЙ АНЖУМАНИ

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг талабалар илмий жамияти бўлажак муаллимларда тадқиқотчилик, илмий асарлар, мақолалар ёзиш ва маърузалар тайёрлаш малакаларини тарбиялашга хизмат қилади.

Жамиятнинг навбатдаги 52-илмий-назарий анжумани бўлиб ўтди. Унда табиий жуғрофия факультети талабалари Б. Қурбоновнинг «Бозор иқтисодиёти даврида иқтисодий танглик ва уни бартараф этиш йўллари», Ф. Сайдаметованинг «Ўқувчиларни экологик тарбиялашнинг долзарб масалалари», бошланғич таълим факультетининг талабаси К. Катдиевнинг «Аҳмад Яссавий ижодида ахлоқий тарбия» мавзуларида қилган маърузалари қизиқиш билан тингланди.

Асосий йўналишдаги маърузалар ниҳоясига етгач, анжуман қатнашчилари шўъбаларга бўлиниб, мусоҳабалар ўтказишди. Институт ректори, профессор К. Юсупов талабаларнинг илмий изланишлари миқёси кенгайиб, тадқиқот олиб боришга лаёқатли ёшлар кўпайиб бораётганини таъкидлади.

(ЎзА мухбири).

•ХОТИРА•

ЗАНГИОТА районидаги «Ўзбекистон» (собиқ Ленин, кейинчалик Калинин) жамоа хўжалигида 1930-50 йиллар орасида раис бўлиб ишлаган Ҳайитвой ота Тошмуҳамедов номи республикамиз аҳолисига яхши таниш эди. У ўзининг ташкилотчилиги ва ишбилармонлиги билан хўжалик шуҳратини оширган. Ишда тиним билмайдиган заҳматкаш бу инсон ҳар қандай оғир вазиятда ҳам кишилар қалбига ҳузур бағишлайдиган ҳазиллари билан ҳам машҳур эди. Қуйида муштарийлар эътиборига ҳикоя қилаётган эсдаликларни ўша йилларда хўжаликнинг бош ҳисобчиси бўлиб ишлаган отам. — Отабек Умар ўғлидан эшитиб, қоғозга туширган эдим.

БИРИНЧИ ҲИКОЯ

КУНЛАРНИНГ бирида хўжаликка Москвадан тажриба ўргатиш учун бир гуруҳ катта олимлар келишибди. Райкомдан ҳам одамлар бор экан. Мевалар ғарқ пишган пайт. 10-бригаданинг боғидаги шийпонга жой қилиниб, олимлар боғ айлангани кетишибди. Тушлик тайёр бўлиш олдидан ширакайф, икки олим боғдан чиқиб келаётган эмиш. Бирининг қўлида катта сариқ бодринг, иккинчисининг қўлида ойимқовоқнинг бир тури. Ўзаро суҳбатлашиб келишармиш: «Манабу ананас қовун» деса, бошқаси сариқ бодрингни кўрсатиб: «Ананас қовун мана бу бўлса керак» дебди.

Шунда Ҳайитвой отанинг ёнидаги бригадирлар хахолаб кулиб юборишибди. Ҳайитвой ота бригадирларнинг бнқинларидан чимчилармишлар, «Жим бўлларинг, вайсақилар! Булар бизга тажриба ўргатгани келишган-да», дер эмишлар-у, ўзларини кулгидан тўхтата олмасмишлар.

Ғулом — карвон (10-нинг бригадири) ўзларини чалғитиш учун белбоғларидан носқовоқни олган эканлар, бояги меҳмонларнинг бири носқовоққа қараб: «Это наверное груша?» дебди.

Ҳайитвой ота Ғулом — карвон қўлларидаги носқовоқни олиб, бир кафт нос отибдилар.

Шунда бояги қизиқувчан меҳмон: «Что делаете, ота?» дебди. Ота мийиғларида кулиб: «Груша ем» дермишлар.

ИККИНЧИ ҲИКОЯ

ҲАЙИТВОЙ ота билан Ғулом — карвои қип-қизил мағиздай бўлиб, Москва кўчаларида юришибди. Қиш қаттиқ совуқ экан. Икковининг ҳам бўйлари баланд. Қоматлари ниҳоятда барваста. Мускилдор, кўкраги очиқ яхтак устидан чопон кийиб олишган. Оёқларида этик, бошларида гардишли телпак. Анордай юзларидан тер чиқиб турган эмиш. Рус тилини яхши билмайдиган Ҳайитвой ота Ғулом отага қараб:

— Карвон, манавилар бизга бақрайиб, нималар дейишяпти? — деб сўрабдилар.

— Мўйлабингни мўржнинг мўйлабига ўхшатишяпти.

— Ўзимничи, ўзимни нима дейишяпти?

— Ўзингни айиқми, денгиз филими, нима бало дейишяпти, яхши тушунмадим.

— Сеничи, сени нима дейишяпти?

— Менимн, жанублик бўлса керак дейишяпти.

— Ҳа, энди тушундим. «Огромний арантутан» дегани, жанублик дегани эканда?! — деб ота мийиғларида кулиб, йўлларида давом этаверибдилар.

УЧИНЧИ ҲИКОЯ

ЖАМОА хўжалигинн электрлаштириш мўлжалланаётган давр экан. Электрчилар колхоз раисини ҳурмат қилиб, симёғочлар ўрнатишни Ҳайитвой ота кўчаларидан бошламоқчи бўлишибди. Ва ўша кўчага машинада симёғоч олиб келишибди. Биринчи симёғочни эндигина Ҳайитвой ота эшигига тушнришаётганда ота келиб қолибдилар:

— Нима қилаяпсан, баччағарлар? Наҳотки раислигимнн билмасанглар?!

Электрчиларнинг бошлиғи раиснинг олдига келиб:

— Райкомдан буйруқ ҳам бор, раислигингизни ҳам биламиз. Айнан шунинг учун ҳам биринчи симёғоч ўрнатишни сизнинг кўчангиздан бошлаяпмиз-да!

— Ўзингни худди мана шу биринчи снмёғочга осиб қўймай тағин! Аввал деҳқонларнинг уйини ёрит. Ана ундан кейин меннинг уйимни ёритасан, — дебдилар.

Ҳайрон бўлган электрчилар симёғочни қайтадан ортишиб, машинанн бошқа томонга буришган экан.

ТЎРТИНЧИ ҲИКОЯ

КУНЛАРНИНГ бирида бригадир бир деҳқонни ярим халта картошка орқалаб олиб кетаётганида ушлаб олибди. Деҳқон: «бу картошкаларни ҳазончелак қилиб олдим», деса ҳамки бригадир ишонмасмнш. «Ковланмаган картошкадан суғуриб олгансан», дермиш. Шу жанжал устига ота келиб қолибдилар. Воқеани тушунгач, бригадирга шундай дебдилар:

— Толпнинг боласи нечта эканлигнни биласан-а? Шаҳарлик ишчиларникидек бу шўрликларга маош беролмасак, «меҳнат кунимиз» тирикчиликка етмаса, нима қилсин? Очидан ўлсинми?!

Деҳқон раиснинг рухсати билан халтасини кўтариб уйига жўнабди. Шу куни кечқурун ўша бригадирнинг ўзи, ўз ҳисобидан гуруч, ун, мой олиб, бояги деҳқоннинг уйига ташлаб келган экан.

БЕШИНЧИ ҲИКОЯ

ҲАЙИТВОЙ ота ҳосилот билан бирга от миниб бригада айланиб юришган экан.

— Ҳайитвой, — дебди ҳосилот — бу йил мевали дарахтларнинг ҳосили йўқ.

Ҳайитвой ота бамайлихотир иосни туфлаб:

— Дарахтларнинг ҳосили кам, лекин болаларнинг ризқи етарли, дебдилар.

Бир пайт ҳосилот ёнғоқ устида «пақка» тераётган уч-тўрт бола томонга ишора қилибди: «Ҳайитвой, отни қамчила, ановиларни бир адабини берайлик» дебди-да, ўзи отга қамчи урибди.

Ҳайитвой ота эпчиллик билан ҳосилот минган отнинг тизгинидан ушлаб қолибдилар. «Нима қилаяпсан, ҳозиргина ўзинг мевалариинг ҳосили йўқ, деб айтдинг-ку?! Йўқ нарсани ҳам болалардан қизғанасанми? Отни мана бу ёққа бур. Беш-олтита ёнғоқ деб уларни майиб қилмоқчимисан? Авзойингни кўрса турган ерларидан таппа-таппа ташлайдилар...» дебдилар-у болаларни кўрмаганликка олиб отни бошқа йўлга бурнб кетибдилар.

Ҳосилот ҳам ноилож раисга эргашибди.

ОЛТИНЧИ ҲИКОЯ

ОТАНИНГ уйига бир кун невара туғилиш шарофати билан сурнайчилар келнб қолншибди.

Кекса сурнайчи «наво»-

• ХОТИРА •

яшашингиз мумкин, — дейишибди.

— Шунда Ҳайитвой ота бош жарроҳга қараб:

— Биласанми, мен Ҳайитвойман-а. Мени эл-юрт, ота, деб атайди. Нима, сен мени судралиб яшайди деб ўйлайсанми? Ошимни ошадим, ёшимни яшадим, лекин у дунёга оёқсиз кетолмайман, — деб жавоб берган эканлар. Жарроҳлар ҳар қанча ҳаракат қилишмасин, унатишолмабди. Шу воқеадан сўнг орадан кўп вақт ўтмай, ота охиратга — дорилфанога йўл олибдилар. Тобут ортидан эргашганларнинг сони-саноғи йўқ эди. Одамнинг кўплигидан «тобутни етти қадам елкада олиб юролмай, армонда қолдим» деганларнинг ўзи беҳисоб эди. Халқ у кишини тирикликларида қандай чуқур ҳурматлаган бўлса, вафотларидан сўнг бу жамоа ерлари шаҳарга ўтиб кетди. Натижада боғлар, минг-минглаб дарахтлар ғарқ ҳосилга кирган пайтида қўпориб ташланди. Узумзорлар яксон қилинди. Оқар сувлар кўмиб ташланди. Бугунги янги ТошМИ мана шундай жаннатмакон мевали боғлар ўрнига қурилган. Ҳайитвой ота кўча-куйда ночорроқ одамни кўриб қолсалар ёнларнда берадиган ақчалари бўлмаса, ҳатто устиларидаги тўнларини ҳам ечиб бериб кетаверадиган инсон бўлган эканлар.

Шуҳрат ОТАБЕК ўғли.

ҲАЙИТВОЙ ОҚСОҚОЛ

ТАНГРИ ТОҒ НАВОСИ

(ШИНЖОНГ УИҒУР АВТОНОМ НОҲИЯ АШУЛА-РАҚС АНСАМБЛИ ЎЗБЕКИСТОНДА)

Билимдон тарихнавислар ва донишманд файласуфлар фикрича, уйғурлар эли инсониятга буюк алломаларни, бой, мазмундор илм хазиналари, юксак маданият бойликларини, адабиёт-санъат асарларини мерос қолдирган, миллий мафкурани туроқлаштирган меҳнатсевар, ижодкор халқдир.

Уйғуристон—Шарқ маданияти тарихининг қадимий ва табаррук бешигидирки, бу бешикни улуғвор Тангри тоғ навоси тебратиб туради. Уйғур халқининг миллий қадрияти, ор-номуси, шоншарафи Тангри тоғ навосига сингдирилган бўлиб, минг йиллардан буён таранпум этилиб келинмоқда. Ана шуларнинг авлодлари — 37 нафар санъаткордан иборат ашула ва рақс ансамбли яқинда Ўзбекистонга ташриф буюрди. Қори Ёқубов номидаги ўзбек давлат филармонияси ҳомийлигида иш бошлаган уйғур санъаткорлари 26 апрелдан бошлаб Андижон вилоятида ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Улар ўзига хос мусиқа услуби, классик ашулалари, шўх ва қувноқ қўшиқлари, куйлари ва санамларни ижро этишиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлишди. Андижон вилоятининг Пахтаобод, Шаҳрихон ва Андижон шаҳарларида намойиш этилган концерт программаларида туркийзабон равон, ўйноқи санъат асарлари томошабинларда катта таассурот қолдирди. Маҳаллий ҳокимият уйғур санъаткорларининг ташрифини олқишлаб, уни оммавий халқ сайл-томошасига айланишига ташаббускор бўлди.

Бутун Хитой артисти, жаҳон ашула санъатининг олтин медали совриндори, уйғур саҳнасининг булбули Пашо Ишон қизи ижро этган классик ашулаларда сизнинг-бизнинг дард-фиғонларимиз, шодлик-қувончларимиз тараннум этилди.

Маълумки, инсон яхши сўз, яхши куй, яхши қўшиқ ташналигида яшайди. Машҳур рубобчи Довуд Овуд ижро этган «Рубобим», «Тошвой» юракларга малҳам бўлган классик куйлари, бутун борлиғимиз, вужудимизни сеҳрлаб олди.

Қошғар заминининг фарзандлари Риҳонгул Аблиз қизи, Гулбаҳор Сиддиқ ва Ойгуллар ижро этган рақслар, шунингдек, қошғар қўшиқларини юксак маҳоратда куйлаб, «Халқ севган ҳонанда» номини олган Турнисо Маҳамад қизи, ажойиб овоз соҳиби, ашулачи Ғолибжон Ғуфур ўғли, Ахтарнисо Абдукарим қизи, Фарҳод Обдигул, Имин Қурбон, найда булбулни куйлатган Раҳимжонларнинг чиқишлари ҳам қизғин олқишлар билан кутиб олинди.

1949 йили ташкил топган, жаҳоннинг 40 мамлакатида ўз концертларини намойиш этиб, қатор-қатор лауреатлик унвонларини қўлга киритган ашула ва рақс ансамбли 8 ва 9 май кунлари Тошкентда — Халқлар дўстлиги саройида катта концерт дастурини томошабинларга тақдим этди.

Мустақил Ўзбекистонда яшаб, меҳнат қилаётган уйғурлар бу тадбир учун ҳукуматимиздан миннатдор бўлишди ва бу олижаноб ишга ҳомийлик қилган М. Қориёқубов номидаги давлат филармонияси раҳбарларига ташаккурлар айтишди.

Ансамбль ўртачирчиқ, Бектемир ва Сирдарё вилоятининг қатор районларида ҳам ўз маҳоратларини намойиш этди.

ОСИМ БОҚИЙ ўғли.

МУСИҚА КЕЧАСИ

Республика кино уйида ўтказилган мусиқа кечасида мумтоз мусиқа ихлосмандлари буюк француз бастакорларининг асарлари билан танишдилар. Концертни Франциянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Жан-Поль Везиан очди.

Кечада Габриэль Форе, Франсис Пуленк асарлари янгради. Бу бастакорларнинг асарлари Франция мусиқа санъати ҳазинасидан жой олган.

Яқинда Аброр Хидоятов номидаги драма театрида француз адибаси ва драматурги Фатима Галлер пьесаси асосида саҳналаштирилган «Малика» спектакли илк бор кўрсатилади. Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси билан бирга Тошкентда француз газета ва журналларининг кўргазмасини уюштириш ҳам режалаштирилмоқда.

Л. СТРУННИКОВА, ЎзА мухбири.

БИЛАСИЗМИ?

● ШВЕЙЦАРИЯНИНГ Граубюнден кантони пойтахти Куре шаҳрининг аҳолиси олти тилда гапиради. Дарсликлар ҳам олти тилда нашр қилинади. Немис, италян ҳамда ретороман тиллари асосий тил ҳисобланади. Ретороман тили эса бир-бири билан тубдан фарқ қилувчи тўрт шевадан иборат.

● ЭРОННИНГ қадимий шаҳри — Табриз ўзининг ажойиб ёдгорликлари билан ажралиб туради. Шундай кўҳна обидалардан бири ўзидан ҳид таратиб турувчи масчитдир. Бундан олти юз йил муқаддам масчит қурилишида ишлатилган ғиштлар мускус қўшилиб қорнлган лой билан терилган эди. Шу туфайли унинг деворлари ҳознрги кунга қадар ўз исини йўқотган эмас.

● МИКРОСКОП XVII асрнинг бошларида ихтиро қилинган. Дастлабки микроскоплар картон ва ёғочдан ясалиб, сирти рангли қоғоз, пергамент, тери билан қопланган. Уларда фокус тўғрилагичлар бўлмаган. Микроскоп орқали кузатилган буюм кундузги оддий нурда ёритилган.

● МЕКСИКАнинг Мичоакан штатидаги Хорулло номли вулкан 1759 йил 28 сентябрда одамлар кўз олдида пайдо бўлган. Кейинчалик у Конус шаклдаги тоққа айланган. Машҳур немис олими А. Гумбальдт XVIII асрнинг охирида бу ҳодиса тўғрисида маҳаллий аҳолидан маълумотлар олган.

А. АЛИЕВ тайёрлаган.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

● АҲОЛИНИНГ телевизор ҳамда радиоларини муддатида снфатли қилиб тузатиб бераётган Янгийўлдаги «Кафолат» бирлашмаси устахонаси мнжозлари тобора кўпайиб бормоқда. Усталар аҳолидан қабул қилиб олган телевизор ҳамда радиоларни икки-уч кун ичида тузатиш билан кифояланиб қолмай, мижознинг илтимосига кўра уйига борнб хизмат ҳам кўрсатишади. Суратларда: (юқорида) 5-разрядли усталар Абдумалик Рустамов ва Абдуғаффор Ҳасанов иш устида; уста Мирсоат Миралимов.

Ф. ҚУРВОНБОЕВ (ЎзА) суратлари.

БИР ШИНГИЛ ТАБАССУМ

БАЙРАМ базми бошланди. Тўрда Салим Самариддиновичнинг ўзлари ўтиришибдилар. Уй эгаси югургилаб юрган қизалоғини мақтайди:

— Қизим дастёр бўлиб қолди-да, омон бўлгур. Сизни жуда ҳам яхши кўради, вой, нима деяпман, сизни ҳурмат қилмаган одам бор эканми, Салим Самариддинович! Қани олиб ўтиринг. Ҳой, қизим, Салим амакингнинг олдиларига нега қошиқ қўймадинг?

— Вой, ўзингиз кеча айтдингиз-ку, у киши овқатни молдай ейди деб...

● ҚАНИ, «куҳ» денгчи!— деди милиционер шофёрга бир шишачани яқинлаштириб.

— Кечирасиз, оғзимда носим бор,— деди шофёр.

● КАЙФИ ошган бир ходим бошлиқнинг хонасига кирди.

— Бунисига мурожаат қилсаммикан ёки унисига? — деб ўйлади у қўзига бошлиқ иккита кўриниб.

Бошлиқ ҳам тажанг бўлиб турган экан, ўшқириб берди:

— Мен сизларга неча марта айтдим, битта-битта киринглар, деб!!

Ш. АБДУАЗИМОВА тўплаган.

ТАБИАТ ВА БИЗ

ҚИЗИҚАРЛИ СУҲБАТЛАР

РАЙОНИМИЗДАГИ умумий таълим мактабларида ёш авлодни табиатга меҳрмуҳаббат руҳида тарбиялашга эътибор тобора кучайиб бормоқда. Шу мақсадда ишнинг турли шаклларидан фойдаланишга ҳаракат қилиняпти. Табиатни муҳофаза қилишга бағишланган кечалар, суҳбатлар, топқирлар ва зукколар танловлари ўтказиш яхши анъана бўлиб қолди. Кейинги вақтларда деярли барча ўқув масканларида ўтказилган бундай тадбирлар «Табиатни асранг», «Қушлар бизнинг дўстимиз», «Табиат ва биз», «Табнат ва инсон» ва бошқа шу каби мавзуларга бағишланди. 2- ва 33-ўрта мактабларда эса ташкил этилган жонли бурчаклар ўқувчиларнинг экологик билимини оширишга ҳам хизмат қилмоқда.

Экология муаммолари долзарблигини ва янги авлодни таълимнинг бу соҳасидан хабардор қилншни яхшилаш мақсадларнда биология ўқитувчиларининг семинар йиғилишлари мунтазам ўтказиб турилибди. Ҳар икки ойда бир марта бўлаётган бундай йиғилишларда олимлар, етук мутахассислар экологияга бағишланган маърузалар билан чиқмоқдалар, суҳбатлар ўтказмоқдалар.

Районимиздаги 1-, 34-, 21-ўрта мактабларда болаларни экологик тарбиялаш яхши йўлга қўйилган. Уларда «Гуллар байрами», «Ўсимликларни асраб-авайланг», «Табиатга зарар келтирувчиларга нисбатан муросасиз бўлайлик» каби мавзуларда суҳбатлар тез-тез ўтказилмоқда, стендлар тайёрланмоқда.

Ж. САИДОВ, Зангиота район табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг раиси.

ЭЪЛОНЛАР, БИЛДИРУВЛАР

ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА

Қирғизистон Республикаси ўз миллий валютасини жорий этиш муносабати билан ва республикалар ўртасида янгича ҳисоб-китоб йўлга қўйилганлиги туфайли шу масала ҳал этилгунга қадар 1993 йилнинг 16 майидан бошлаб Қирғизистон ҳудудига барча турдаги почта жўнатмаларини қабул қилиш тўхтатилганлигини маълум қиламиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ КОНЦЕРНИ.

Тошкент вилояти ҳокимлиги матбуот бошқармаси, вилоят матбаа корхоналари жамоалари узоқ давом этган касалликдан сўнг кекса ношир, Юқоричирчиқ районлараро босмахонасининг директори

Суфьян ЯГЪЯЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг қариндошлари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этадилар.

Тошкент вилояти матлубот жамиятлари уюшмаси жамоаси аппаратнинг масъул ходими

Тоҳир Туропович МИРАЗИЗОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент ҲАҚИҚАТИ

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар:

ХАТЛАР ВА ОММАВИЙ ИШЛАР БЎЛИМИ — 33-40-48.

АХБОРОТ, ТИЖОРАТ ВА ЭЪЛОНЛАР БЎЛИМИ — 33-99-15.

● Эълон ва билдирувлар кечиктирилмай чоп этилиши кафолатланади.

● Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар.

● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар Бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Индекс: 64672. 1 2 3 4 5 6

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000094. Буюртма Г—224. 30675 нусхада босилди, ҳажми—2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти—20.30. Босишга топширилди — 19.30.